



Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

ТОПИЛМА

НОДИР ҚҶЛЎЗМА

Аруз илми ривож масаласида асосан Алишер Навоий давридан бошлаб асарлар ёзилгани илмий адабиётларда таъкидланиб келинган. Бироқ тадқиқотлар натижасида XIII-XIV асрларда яшаган Садрш-шарифа Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорийнинг "Рисолату фи илмил-аруз" асари мавжудлиги аниқланди.



(Давоми 7-саҳифада)

ФАКТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 18 апрель – Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кун муносабати билан табриги эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентига Бутунжаҳон таэквондо федерациясининг олий шахсий мукофоти – Шон-шароф ордени топширилди.

Жавоҳир Синдоров FIDE Номзодлар турнирлари тарихида энг кўп рейтинг очкоси тўплаган шахматчига айланди.

"Андижон – 2026 йилда туркий дунёнинг маданият пойтахти" деб эълон қилингани муносабати билан Анқара шаҳридаги ТУРКСОЙ бош қароргоҳида илк йирик тадбир – шаҳар тақдими ўтказилди.

ЭЪЗОЗ

"ЮРТ ИШҚИДА ЁНАМАН!"

Инсоннинг маънавий тадрижида, жамиятнинг барқарорлигини таъминлашда маданият ва санъатнинг аҳамияти беназирдир. Маданият ва санъат ўз табиатида иттиҳон инсонларни эзгуликка, хайрли ишларга етаклайди. Санъат орқали одамлар ўз ҳис-туйғуларини, фикру гояларини, орзу-армонларини ифода этиш имконига эга бўладилар. Бадиий тасвир, мусиқа, кўшиқ, рақс ва бошқа санъат намуналари инсон руҳини кўтариш, халқни бирлаштириш ва илҳомлантириш учун хизмат қилади.

Соҳа ходимлари кун муносабати билан Президентимиз томонидан йўлланган табрикда маданият ва санъат ходимларининг меҳнати, уларнинг ижодий фаолиятининг мамлакатимиз маданият-маърифий

хаётидаги ўрни алоҳида таъкидлангани бежиз эмас. Бу эътироф, албатта, соҳа фидойиларининг сермашаққат меҳнатини рағбатлантиришга хизмат қилади. Улар ўз ижоди билан жамиятни ривожлантириш, миллий меросимизни сақлаш ва дунёга танитишда муҳим роль ўйнамоқда. Шунингдек, маданият ва санъатни ривожлантириш борасида давлат сиёсати даражасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори билан маданий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ижодий лойиҳаларни амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш борасидаги ишлар жадал ривожланмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

НУҚТАИ НАЗАР

ВАТАН ОМОН БЎЛСИН, ВАТАН ТИНЧ БЎЛСИН!

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари Бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Салим Дониёров билан суҳбат

– Салим Мусурмонович, янги авлод таниқли журналист ҳам бир вақтлар ёш бўлганини, бугунги маҳорат ва салоҳиятга йиллар давомидаги заҳмат, ўқиб-ўрганиш орқали эришганини эсдан чиқариб қўяди. Улар фақат манзилдаги одамни кўради, босиб ўтилган йўл эса панада қолади. Саволим сийқароқ чиқса, узр: суҳбатни журналистикага кириб келишингиз, илк мақолангиз ёзилиши тарихидан бошласак.

– Фаолиятимни "Халқ сўзи" газетасида муҳбирликдан бошлаганман. Бир кун бош муҳарриримиз Аббосхон ака Усмонов топшириқ берди. "Журналист касбини ўзгартиради" деган рўнгда Сиз ҳам материал тайёрланг. Бир касб-хунарни танлаб, ўша билан яшанг, қанча керак бўлса шунча вақт. Уша касб эгасининг ички ҳис-



сиётларини, дунёсини, армонларни, мақсадларни, орзуларини ўрганинг. Ҳамкасбларимдан бири сотувчиликни танлади. Менга арава тортиш тушди. Чилонзор буюм бозорига борганман. Паспортимни гаровга қўйиб, кунлик арава олдим. Мажбуриятдан бошланган иш қизиқишга айланиб кетди.

(Давоми 5-саҳифада)

ТАҚДИМОТ



ДЎСТЛИК ДОСТОНИ

Яқинда Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказида "Амир Темур ва теурийлар тамаддунининг жаҳон тарихи ва маданиятидаги ўрни ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро илмий конференция доирасида Қозоғистонда чоп этилган "Туркий дунё адабиёти" туркумидаги янги китоблар тақдими ўтказилди.

этиш ташаббусини илгари сурганди. Ушбу лойиҳа биринчи бўлиб Ўзбекистонда амалга оширилди. 2022 йилда тўпلام тайёрланиб, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида чоп этилди.

Эндиликда ушбу ташаббус қардош Қозоғистон томонидан қўллаб-қувватланиб, 2025 йилдан ҳукумат дастури асосида Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда "Мегеке баспасы" нашриёти "Туркий дунё адабиёти" туркумида таниқли адибларнинг асарларини чоп эта бошлади. Айни пайтгача Анорнинг "Қонақ ўй бөлмесі", Хайридин Султоннинг "Бақыт жағалауы", Султон Раевнинг "Топан", Арслон Қойшиевнинг "Туқымқұрт" китоблари ўқувчилар қўлига етиб борди.

(Давоми 2-саҳифада)

ИФТИХОР

МАЪНАВИЙ ҚУДРАТ МАНБАИ

XIV-XV асрлар Марказий Осиё тарихида Иккинчи Ренессанс даври сифатида алоҳида ўрин тутлади. Ушбу тарихий босқич нафақат қудратли марказлашган давлат барпо этилгани, балки илм-фан, маданият ва маънавий ҳаётнинг мислсиз ривожлангани билан ҳам аҳамиятлидир. Айниқса, Соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан амалга оширилган ислохотлар натижасида диний ва дунёвий билимлар, маданият ва санъат, илм-маърифат, адабиёт ва шеърят, таълим-тарбия каби соҳалар жадал ривожланиб, юқори босқичга кўтарилган.



Амир Темур учун илм-маърифат – давлатнинг маънавий қанотини ташкил этган. Шунинг учун ҳам олим у фузалоларга зарур шарт-шароитлар яратиш, янги илмий асарлар ва китобларни чоп этишни йўлга қўйган. Олимларни жамиятнинг энг муҳим қатлами деб билган улуг

бобомиз "Темур тузуклари" асарида "Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш ва тадбир, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим", деб ёзади.

(Давоми 3-саҳифада)

ТААССУРОТ

Кўп раҳмат, Ойдин опа!

Баъзан шундай асарлар – достонлар, оҳанглар учрайдики, улар сизни ёдингиздан кўтарилаётган ботиний Ватанга қайтаради. Юракдаги кеттикликлар ногаҳон тўлиб, вужудни титроқ босади, лабларингиз титрайди, кўзларингизда ёш ҳалқаланади, одамлар ичида туриб, беихтиёр қалқиб чиққан хўрсиниқдан ийманасиз... Мана шундай қуйлардан иборат концертга анчадан бери бормаган эканман. Бундай имконият яқинда насиб этди. Рухсат этсангиз, таассуротларим билан бўлишсам.

(Давоми 5-саҳифада)

БУГУННИНГ ШЕЪРИ

ЖАВОҲИР СИНДОРОВГА

Шатранж бизники деб гуваган эл ҳам Бугун таассуфда тебратади бош. Бир томон Оврўпа, бир тараф Ажам Ўткир нигоҳингга беролмайди дош.

Темурхонга дунё шатранж тахтаси, От суриб ўтгандир мағрур, мардона. Улуғбек фикратли бўз набираси Улусга келтирмиш азим тўёна.

Эргаш Жуманбулбул қуйлаган алплар Сенинг сийратингга яшайди бедор. Сен боис ўзлгин англайди қалблар, Сен боис юракда баланд ифтихор.

Қачондир бу элни пиёда билган Тўралар қўзини зафар-ла қуйдир. Бутун юрт кутмоқда дуолар билан, Халққа бобомерос тожини кийдир!

Отабек БАХТИЁР





Бошланиши 1-саҳифада.

Ушбу тўрт китобнинг тақдироти юртимизда ҳам интиқ кутилаётган эди. Анжуман аввалида янги китоблар намойиши муносабати билан рамзий тасма кешиш маросими ўтказилди. Шундан сўнг Озарбайжон Ўзарлар бирлиги раиси, Озарбайжон халқ ёзувчиси Анор Раев, Халқаро ТУРКСОЙ ташкилоти бош котиби, Қирғизистон халқ ёзувчиси Султон Раев, Қозоғистон Ўзвучилар уюшмаси раиси, "Туркий дунё адабиёти" лойиҳаси раҳбари Мереке Кулленов, Қирғизистон Республикаси давлат котиби, Қирғизистон халқ ёзувчиси Арслон Койчиев, Таристон Ўзвучилар уюшмаси раиси Ркаил Зайдуллин, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси – Спичрайтери, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайридин Султон, Ислон цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдухолиқов, Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Сайид қардош халқлар ўртасидаги адабий алоқалар тобора мустақамлашиб бораётгани ҳақида сўзлади.



АНОР
(Озарбайжон):

– Қардош Ўзбекистоннинг гўзал пойтахти Тошкентда, азим бир бинода ўтаётган тадбирда иштирок этаётганимдан ўзимни хушбахт ҳис этаман. Давъатингиз учун ташаккур! Давлатлар орасида сарҳадларни сиёсат яратди, адабиёт эса бу сарҳадларни ижобий маънода ўртадан кўтариб, халқларни бир-бирига боғлайди.

Бугун биз турк дунёсидан гапирганда, умумий отамиз Дада Қўрқутни хотирлаймиз. Навоий, Юнус Эмро, Фузулий, Махтумқули, Абай, Нозим Ҳикмат, Чингиз Айтматовни эътироф этаемиз. Бу буюк инсонларнинг саъй-ҳаракати, ёрдами билан туркий халқлар бир-бирига янада яқинлашди, бир-бирини янада яхшироқ таниди. Шунинг учун мен бугунги тадбирни турк дунёси-

нинг бирлашиши йўлида, бир мушт бўлиши йўлида муҳим қадам, деб ҳисоблайман.

Айниқса, ўзбек ёзувчиларининг асарлари Бокуда, озарбайжон ёзувчиларининг китоблари эса Ўзбекистонда нашр этилаётгани адабий алоқаларимизнинг янада мустақамлашаётганидан далолат беради. Мана энди, менинг асарим қозоқ тилида чоп этилди. Тилагим, бундай ҳамкорлик ва ижодий алоқалар келгусида ҳам изчил давом этсин ва янада кенгайсин.

Бу даргоҳга қуруқ келганим йўқ. Озарбайжонда беш жилдик "Сўз дунёси" китобим чиқди. Унда турк дунёсининг буюк ёзувчилари ҳақида эсселар киритилган. Алишер Навоий, Ҳамза ва Мақсуд Шайхзода ҳақидаги эсселар жамланган жилдларни ҳурматли Сирожиддин муаллимга, Абай ва Ўлжас Сулаймонов ҳақидаги эсселар берилган китобни жаноб Мереке муаллимга тақдим этмоқчиман. Раҳмат, кўп раҳмат!



Мереке КУЛКЕНОВ
(Қозоғистон):

– Амир Темурнинг 690 йиллиги фақат Ўзбекистон учун эмас, балки бутун туркий дунё учун умумий байрамдир. Бу тадбирнинг айнан Тошкент шаҳрида, Ислон цивилизацияси марказида ўтаётгани бежиз эмас. Чунки қўллаб тарихий манбалар ва архивлар айнан шу ерда жамланган. Бу эса нафақат бир халқ, балки барча туркий халқлар учун умумий мерос ҳисобланади. Шу боис, азалдан биродар бўлган халқларимизни бирлаштириб турган буюк шахсларни улуғлаш барчамиз учун жуда муҳим, деб ўйлайман.

Жами туркий халқларнинг вакиллари бир даврада йалғинлиб, ҳар қайсимиз ўз тилимизда сўйласак ҳам,

бир-биримизни таржимасиз тушуниб ўтирибмиз. Бошқа бир тилнинг воситачилигига тобе бўлганимиз йўқ.

Тошкент – бизнинг ўртоқ шаҳримиз. XX асрда барчамизнинг тақдиримиз чизилари ҳеч бўлмаганда бир марта бўлсин, бу шаҳарни кесиб ўтгани ҳақиқат. Майли, тарихда гарчи бизни бўлиб юбориб, юзқўрмас қилмоқчи бўлишди. Мана, вақти келиб, биз бош бириктириб, биримизнинг юрагимизни биримиз тушунаймиз. Ушбу тўрт китоб шунинг далили.

Икки-уч йил бурун қардош ижодкорларимизни қозоқ тилида "сўйла-тайлик", деган мақсадда иш бошлаган эдик. Таржима жараёнида асарлардаги ўзига хосликлар билан бирга, умумий жиҳат ҳам бизни ҳайратга солди. Бу ўз халқининг тақдирига ҳурмат ва ҳамдардлик ҳиссидир. Умумий тарихга эга туркийлар шу жиҳатдан бир-бирининг асарларини беғонасирамай қабул қилади, тушунади.

Ушбу китобларни айнан Ўзбекистонда, Тошкент шаҳрида тақдим этаётганимиздан жуда мамнумимиз. Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлик билдираемиз. Эндики мақсадимиз – шу каби лойиҳалар орқали туркий халқлар адабиётини ўзаро таржима қилиш, шу орқали маънавиятимизни, тил ва маданиятимизни янада яқинлаштиришдир.



Султон РАЕВ
(ТУРКСОЙ ташкилоти):

– Аввало айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жуда муҳим ва буюк концепция – Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанси ғоясини илгари сурди. Маълумки, Ўзбекистон тарихида икки буюк Ренессанс даври бўлиб, мамлакатнинг маънавияти,

маданияти, меъморчилиги ва илм-фани юксак тараққиётга эришган. Бугунги асрда Ўзбекистон ана шу тараққиёт йўлини давом эттирмоқда. Учунчи Ренессанс ғояси, аввало, миллий маънавият, маданият ва тарихий меросга таянади. Ислон цивилизацияси маркази ҳам ана шу ғоянинг амалий ифодаси, десак, муболага бўлмайди. Менимча, бундай марказнинг дунёда аналогий йўқ.

Шундай даргоҳда "Турк дунёси адабиёти"нинг тақдироти бўлаётгани янада таъсирли ва қувончлидир. Биз аввал Ўзбекистонда, энди Қозоғистонда йўлга қўйилган бу ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз. Бошқа қардош республикаларда ҳам йўлга қўйилиши бўйича кўмакка тайёримиз!



Арслон КОЙЧИЕВ
(Қирғизистон):

– Туркий дунё адабиётининг тарихи ниҳоятда кенг, илдишлари чуқур ва мазмунан юксакдир. Унинг икки минг йиллик тарихга эгаллиги, аввало, мазкур адабиётнинг манбалари қадимий Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларига бориб тақалиши билан изоҳланади. Шу маънода, бугунги анжуман ва ташкил этилган тадбирни Ўрхун-Энасой битикларидан то XXI асргача бўлган туркий адабиёт тараққиётини қамраб олган муҳим маънавий воқелик сифатида баҳолаш мумкин.

Бугун тақдим этилган китобларнинг қозоқ тилида нашр этилгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, Қозоғистонда ўзбек, озарбайжон ва кирғиз адабларининг асарларини қозоқ тилига таржима қилиш орқали туркий халқлар адабиётини ўзаро яқинлаштириш борасида кенг кўламли

ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ташаббусларнинг яна бир муҳим босқичи айнан бугунги тадбир доирасида ўз ифодасини топди. Келгусида, биз – кирғизлар ҳам ўзбек, қозоқ ва бошқа туркий халқлар адабиёти намояндларининг асарларини ўз тилимизга таржима қилиш, бу йўналишда зарур тажриба тўплашни мақсад қилганмиз.



Хайридин СУЛТОН
(Ўзбекистон):

– Фурсатдан фойдаланиб, "Туркий дунё адабиёти" деб номланган ғоят муҳим ва улкан ижодий лойиҳанинг ташаббускори бўлган Қозоғистон Республикаси ҳукумати, Қозоғистон Ўзвучилар уюшмаси бошқаруви раиси, лойиҳа раҳбари, Қозоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, атоқли ёзувчи, қадрли оғамиз Мереке Кулленовга барчамизнинг номимиздан чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат берайиз.

Энг муҳими, қозоғистонлик дўстларимиз бир неча ўнлаб жилддан иборат бу китобларни қозоқ тилига таржима қилиб, ҳар бир китоб учун шу мамлакатнинг график рассомларига алоҳида иллюстрациялар ишлайтиб, жуда катта меҳр ва ихлол билан китобларни тақдим қилганлар. Бу жудаям катта воқеа.

Барчамиз зиёли сифатида, адиб, санъаткор сифатида биламизки, бу китоблар ёзилгани, албатта, ҳисоб. Бу китобларнинг чоп этилгани, таржима қилингани ва улар ҳақида ёзилгани ҳам ҳисобга ўтади. Лекин ҳаммамиз ўйлаймизки, бу китоблар фақат ўқилгандагина муҳим бўлади, фақат ўқилгандагина чин ҳисобга ўтади. Шунинг учун ҳурматли Мереке оға ва у кишининг ҳамкасблари билан бу китобларни Ўзбекистондаги қозоқ тилли мактабларга,

маданий марказларга, қозоқ тилида дарс берадиган университетларга, кутубхоналарга етказишда ёрдам беришларини илтимос қилардик. Бу китобларни ўқийлик, энг муҳими, болаларимизга берайлик ва уларни ҳам Туркий дунё бирлиги, умуман, дунё халқларининг бирлиги руҳида тарбиялайлик.

"Турк дунёси адабиёти" серияси – жуда узоқ ўйланган стратегик лойиҳа. Қардошларимиз ҳали яна 50 га яқин китобларни нашр этишни мўлжаллаган. Менинг билишимча, ўзбек адабиётидан Тоғай Мурод, Эркин Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўст ва бошқа ёзувчиларимиз, шоирларимизнинг китобларини таржима қилиб, нашрга тайёрлаб қўйишган.

Яхши биламизки, минтақамизнинг жадидлари ҳаммамизни бир фикрга, бир давъатга ўргатганлар. Бу ҳам бўлса: "Тилда, фикрда, ишда бирлик!" Бу китоблар шу йўлдаги энг муҳим амалий қадамлардир. Зотан, машур туркий мақолимизда айтилганидек, бирлик бўлмаган жойда тириклик ҳам бўлмайди. Чиндан ҳам, эт билан тирноқдек бирикиб, улғ мақсадларимиз йўлида Мир Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, яққалам бўлиб олдинга интилсак, ҳар қандай синов ва машаққатлардан ёруғ юз билан мардона ўта оламиз.

Биз ўзбек ёзувчилари орасида "Адабий дўстлик – абадий дўстлик" деган ибора ҳикматли сўзга айланиб кетган. Шу маънода, барчамизнинг тилагимиз битта: дунё халқлари ўртасидаги дўстлик абадий бўлсин. Туркий элларнинг қардошлиги янада ривож топсин. Туркий халқлар адабиёти гуллаб-яшнасин!

Тақдирот маросимининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаевнинг Бухоро шаҳридаги учрашуви арафасида ўтказилиши ҳам ўзига хос аҳамият касб этди.

Ушбу тақдирот дўстлигимизнинг мангу достонида янги саҳифа очгани билан туркий халқлар тарихига ўчмас ҳарфлар билан битиб қўйилиши, шубҳасиз.

ЗИЁРАТ

МИЛЛИЙ ҒУРУР ҚАЛЪАСИ

Мусаффо осмон атласдай рангоранг варақларга тўла эди.

Апрель кўши күкнинг тиниқ ферузасида Тошкентдаги Ислон цивилизацияси марказининг ҳайбатли гумбаз устида порлар, ойбекона лутфа кўра, гумбазнинг азамат пештоқлари нақшлари шуълаларда жонли, ҳавойий бир чаманзор каби турли-туман олов ранглар чақнатар, қабутарлар дам учиб, дам сирпаниб кўниб, гумбаз теварагида қувонч билан иноқ ўйнашар эди.

Марказ гирдо-гирди афсонавий Семирамида осма боғларини эслатувчи кўкалам. Дарахт ва буталар оралаб ўтган йўлакларни, кенг, текис ва тўртбурчак ҳовлини миллати, тили, дини ва этноқири турфа сайёҳлар оқими тўлдирган. Улуғбек дарвозаси қаршисида йиғилаётган мардумнинг "Қойил!", "Oh my God!", "Ух ты!", "Ма ша Аллах!", "Oh là là!", "Inanilmaz!" каби турфа хитоблари яхлит симфония янглиб, қабутарларга қўшилиб ҳавода учиб юрибди.

Марказнинг музей қисмига киришда кўлида чипта тутган турнақатор саф. Дарвоқе, халқимизнинг тарих ва илм-фанга бўлган рағбатини беқиёс даражада ошириб, миллий ғурурини тўлқинлантириб юборган Марказга кириш чипталари ҳар куни эрталабданок сотувда тугаб қолаётган экан. Хатто хоризжликлар учун мўлжалланганлари ҳам.

Кўни кеча "Jadid" газетаси тахририяти жамоаси уюшиб, Марказга саёҳат ихтиёр этдик. Саёҳат аввалида бизга ҳамроҳлик қилувчи Шаҳзода исмли йўл бошловчи ажойиб янгилик билан бўлиши:

– Бугун Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази расман "Дунёдаги энг йirik Ислон цивилизацияси музейи" деб тан

олинди ва Гиннес рекордлар китобининг нуфузли унвонига сазовор бўлди. Гиннес рекордлар китобининг расмий вакили ва ҳаками Шеида Субаши тантанали тақдирлаш маросимида иштирок этди ва Марказ барча халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беришини тасдиқлади. Бугунги кунда Марказимиз минтақанинг энг кўп таширф буюриладиган маданий ва илмий масканларидан бирига айланди: ҳар куни 5000 гача одам келяпти. Сизнинг жамоангиз ушбу қувончли эътироф эълон қилинган, таширф буюрган биринчи ғуруҳ бўлди, табриқлаймиз!

"Шубҳасиз, ушбу муқофот Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг муаллифлик лойиҳасига берилган муносиб эътироф ва муқофотдир. Муҳтарам Президентимиз бизнинг фаолиятимиз учун барча зарур шароитларни яратди ва бугунги кунда бизнинг асосий мақсадимиз Ўзбекистоннинг бой маданий меросини сақлаб қолиш ва оммалаштириш, шунингдек, муқаддас динимизнинг тинчлик, маърифат ва бағрикенглик дини сифатидаги гуманитар ғояларини тарғиб қилишга қаратилган кенг кўламли илмий ва таълим лойиҳаларини амалга оширишда ушбу салоҳиятдан самарали фойдаланишидир".

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ,
Ислон цивилизацияси маркази директори

Ушбу маскан ўзига хос вақт машинасига ўхшайди. Унда икки соат ичида нафақат уч минг йиллик тарихимиз билан танишасиз, балки яқин келажакка ҳам назар ташлай olasиз. Яъни, бепоён тарих оламини бир неча қадамда босиб ўтиш имкони туғилади.

1-қадам. "Самарқанд" дарвозаси орқали мухташам "Шон-шараф зали"га кириб бордик. Томи баланд кўтарилган топор девори бўйлаб 14 та равоқда мамлакатимиз тараққиётининг буюк тарихий босқичлари ва алломалари ранг-таъсир услубида акс эттирилган. Фрескалар 110 хил рангдаги микромозаика тошларидан, қўл меҳнати орқали яратилган экан. Ҳар бир равоқ остида сенсорли экран ўрнатилган.

2-қадам. "Ислонгача бўлган давр" бўлимида 3000 йиллик давлатчилик солнома-си 250 метрга чўзилган "Вақт девори"даги барельеф, миниатюра ва маҳобатли ранг-таъсир асарларда акс этади. Бу ерда Бақтрия, Хоразм, Сўғд, Чоч ва Фарғона цивилизациялари, шунингдек, "Локувард йўли", "Шоҳ йўли", "Кумуш йўли" ва "Буюк ипак йўли" тарихи акс этган.

3-қадам. VIII-XIII асрлардаги Биринчи ислон Ренессансини қамраб олган бўлимида Каъба эшигининг нуҳаси, 1988 йилда ишлатилган каъбапўш ва Миср мамлуклари даврига оид Каъба қалитлари намойиш этилган. Шунингдек, бу ердан Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон ибн Абдулазиз томонидан тақдим этилган Кисва парчаси ҳам жой олган.

Бўлим бизга Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий меросидан жонли ҳикоялар сўзлади. Беруний томонидан 1037 йилда яратилган глобус қайта тикланган ҳолда намойиш этилгани диққатга сазовор жиҳатлардан бири бўлди.

4-қадам. XIV-XVI асрларни қамраб олган, давлатчилик, илм ва санъат юксак чўққига кўтарилган Иккинчи теурийлар Ренессанси бўлимида теурийлар даври кашфиётлари, меъморчилик ва китобат



санъати харитаси жамланган. Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо хотиралари асосида яратилган Сароймулкхонимнинг шоҳона либоси йиғилганларнинг диққатини ўзига тортмоқда.

5-қадам. "Янги Ўзбекистон – Янги Ренессанс пойдевори" бўлимида сўнги йилларда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришларнинг яхлит манзараси намоеён бўлади. Экспозицияда 2017–2021 йиллардаги Ҳаракатлар стратегияси ва 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳияти очиб берилган.

Интерактив инсталляциялар орқали суверен, демократик ва ҳуқуқий давлат куриш жараёни, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашининг янги тизими ва очиклик тамойиллари намойиш қилинади. Бу ерда аънава ва замонавийлик уйғунлашиб, инсон қадрини устувор тутадиган янги давлат қиёфаси намоеён бўлади.

6-қадам. Марказда VII асрда кўчирилган қадимий Усмон Мушаффи жойлашган. Айрим манбаларга кўра, Мушаф XIV аср охирида Амир Темур томонидан Самарқандга олиб келинган. 2025 йил 13 ноябрдан ушбу муқаддас китоб Ўзбекистон Ислон цивилизацияси марказининг Қуръони Карим залида сақланмоқда. Мушаф атрофида Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темур

рийлар даврида кўчирилган 114 та Қуръон кўлемлари жойлаштирилган. 65 метр баландликдаги гумбаз остидан ўрнатилган улкан қандил ва оятлар битилган ипак гиламлар залга алоҳида салобат бағишлайди.

Саёҳатимиз "Шон-шараф зали"га қайтиб ниҳоясига етди. Кираётганда бу расмлар бетакор безак ўлароқ тасаввур уйғотган бўлса, қайтишда ҳар бири тарихнинг жонли ва шонли кўзгуси сифатида қалбимизга муҳрланди. Айниқса, шу вақтгача тарихга оид музейлардаги экспонатлар остига "Нухаси. Асли фалон музейида" деган ёзувларни кўриб юрагимиз ачишар эди. Мана, тарихий ва қимматбах осор-атиқаларнинг аслини ўз юртимизда кўриш имкони яралди, шўқр, минг шўқр!

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази саёҳатидан чиқар чоғи яна бир бор Улуғбек дарвозасига боқиб, Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари ёдимга тушди:

Асрларнинг силсиласида
Боқий турғай қошонанг сенинг.
Улуғ башар оиласида
Манеу ёруғ пешонанг сенинг.
Манеу ёруғ масканим маним!
Ўзбекистон – Ватанам маним!
Ушбу бетимсол Марказ ана шундай боқий турғувчи маскан бўлиб қолишига ишонамиз.

Отабек БАКИРОВ



Ҳалима АҲМЕДОВА

“Лайлининг ганжидан гавҳар келтирдим...”

Ҳалима, уйгонгин, Ҳалима, уйгон! Мен сенга ярим тун қамар келтирдим. Худо томондаги даричани оч, Машрабдан қадимий дафтар келтирдим.

Ғамгинсан, маъюссан, паришондурсан, Ғамни ўлдирувчи заҳар келтирдим. Ҳазинам йўқ дединг, ночорман, дединг, Лайлининг ганжидан гавҳар келтирдим.

Кел дединг, келмади, энди ўзинг бор, Болалик томонга сафар келтирдим. Кушлар овозида соғинчиг қолган, Булбулларга тўла сахар келтирдим.

Рухинени кузларга ўғрилатгандинг, Сенга янги руҳи дилбар келтирдим. Ўзингни зулматдан ажратиб ол, деб, Унинг нигоҳидан назар келтирдим.

Ҳижрон аччиқлигин сезмайсан энди, Мажнун дўконидан шакар келтирдим. Ғам ема, эй меннинг Зулайҳо кўнглим, Ошиқ Юсуфиндан хабар келтирдим.

Мени пайванд қилинг, токи кўкарай, Осмоннинг забардаст нодалариға. Тўфонни соғинган буюк денгиздай Бир ишқ тугён урар кўналим қаърида.

Бағрим қони билан боқдим умидни, Гоҳ чумоли бўлдим, гоҳи болари. Узоқ қариндошман дарёлар билан, Дунёга боқаман тўлқин сингари.

Библим айтар эди: – Соямиз мискин, Гарчи кўксимизда улкан қоялар... О, нақадар менинг жонимга теғди, Соядан ажралиб чиққан соялар.

Сулаймон боғининг узумларидай Умидим ғарқ пишган гўё мусаллас. Рухимга бостириб кирар ҳар лаҳза Адашган бўрондай илоҳий нафас.

Тўфонни соғинган буюк денгиздай Бир ишқ кўзларимда қайнатади май. Осмоннинг забардаст нодалариға Мени пайванд қилинг, токи кўкарай.

Яшаса бўлади, ҳали қуёш бор, Дарахтлар қонида мавж урар ҳаёт. Майли-да, қуш бўлиш истаги билан Хазонлар тинмасдан қоққанда қанот.

Яшаса бўлади, гарчи дарёлар Овози эшитилар олис-олисдан Ва шодлик бутасин чирмовуқ мисол Ўраб, ишқни изҳор этар экан ғам.

Яшаса бўлади, илоҳий фаррош – Тонг қалблар сингичи супураркан жим. Остонада жуда яқин дўст каби Тураркан жилмайиб меҳрибон ўлим.

Яшаса бўлади, вайрона кўнгли Ичиди ўйнарган заҳаролуд нур. Ғурбат денгизига чўкетиб кимдир Ғамгин шивирларкан: “Худога шукр...”

Яшаса бўлади, бемалол тинглаб Фарёди жонталаш кузги гулларни. Яшаса бўлади, Қадим майхўр каби пайдар-пай ҳўллаб, Ўтмаган кунларни, ўтган кунларни Яшаса бўлади...

Шопир мени, шопир, кузнинг шамоли, Билай доним қайда, сомоним қайда?! Рухимдаги катта дардим олдида Дунёина бунча тор, бунчалар майда.

Жаҳаннам ичидан ўтиб келганман, Гарчи жаннат иси димоғимда бор! Қалбим ғоридаги улкан ганжимни На бир дўст тополди, на бирор ағёр.

Шопир мени, шопир, кузнинг шамоли, Билай зерим қайда, забарим қайда?! Ишқнинг бозорида бир пулга сотган Маҳбубим анеласин, гавҳарим қайда?!

Бошоқлар тилига ўғирдим дилни, Неча фасллару ва неча ойлар. Рухим даласида етилиб ётар Баҳорчи бугдойлар, кузги бугдойлар.

Кўнглим ёруғ эди, йўлга тушганман, Келганман боғларнинг хилхонасидан. Шопир мени, шопир, токи қайтадан Яралай тириклик афсонасида.

Мезон сувариди оқаётган булут Кўксиди қураман ёмғир тугини. Сайреа олиб чиққум гоҳи-гоҳида Хонада зах тортган ёлғизлигимни.

Одамлар ўтади нигоҳи бўм-бўш Ва ё юқтирилган бегона чароқ. Лоқайд куз шамолин панжаларида Зериккан дарахтлар эснайди узоқ.

Сарғайган умидим ғижимлаб пинҳон, Осмонни чақирган кўнгулларига Капалак узидан энтиқиб боққан Раҳим келиб кетар хайригулларга.

Заъфарон бағрида ҳали нурлар бор, Юрагимга ботар қуёш синиғи. Билмадим, умидми, умидсизлиқми Қалбимда қалқиган нотаниш йўғи?!

Паришон излайман шодлик овозин, Тинглагайман тагин совуқ сукутни Ва сўнгра хонама олиб қайтаман, Мезон сувариди оққан булутни.

Кушлар учиб кетди қуёш томонга, Кўзларим чақирди ўлган ёмғирни. Оғир қадамларин ботириб жонга, Шамол эрмаклайди кексайган ерни.

Қайси бир савдода адашдим, толдим, Исмимга ким эди азоб уруғин?!



Ҳуе-в-в эски нурларнинг ортида қолдим, Ким ямар, ким ямар умид ёриғин?!

Ҳаёт тишланмаган олмайди ширин, Қон ичра ўйнарган шаффоф талваса, Қисматда қандайдир кўркув яширин, Чўчитар туннинг лабидаги қоронги бўса.

Илиниб турибман нур заррасида, Ўзимни ўзимга айлабон такрор. Нима бор тириклик ҳужайрасида, Художон, наҳотки ҳаммаси бекор?!

Ой руҳидай совуқ манглайдаги тер, Ишқми у, руҳимни қамчилаётган?! Ёлвораман, фақат менга айтиб бер, Ким у юрагимда санчилаётган?!

ТЕРАН ТОМИРЛАР

“Ўзга мамлакатларни забт этиш, уларни идора қилиш, ғаним лашкарларини синдириш, душманни тузоққа тушириш, муҳолифларни (кўнглини овлаб) дўстга айлантириш, дўст-душман орасида муоамла, мурсою мадора қилиш хусусида...” кўп кенгаш ва тадбирларни қўллаган улуг бобомизни ҳар қанча бош узра тутсак, бошимиз шунча сарбаланд бўлмай.

Муҳтарам Президентимиз қарори билан ҳар йили апрель ойи Амир Темурга бағишланиши белгилаб қўйилди. Илк бор Наврўз тантаналарида буюк саркардамизнинг музаффар байроғи мағрур ҳилпиради. Ўзининг кўкайи тагин бир чинор бўйи ўсди. Бул ажиб шукухдан тўлқинланиб кетган камина наварингиз ҳам “кўпларнинг бахтига ўзликни жамлаб, шу улуг биного бир ғишт қўй”моқ илинжида кўҳна Кеш қалъаси сори йўлга тушди.

Соҳибқирон туғилган тупроқни зиёрат қилганимдан сўнг кўнглимга келган биринчи кенгашим.

Амир Темур милодий 1336 йил 9 апрель куни ҳозирги Шаҳрисабз яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида туғилган. Бу жой бугун Яккабоғ туманига қарайди. Кўкпаллада борсангиз, ям-яшил далами кўриб, яйраб кетасиз. Эҳ-хе, агар ўн йилча бурун келганингизда эди, “Бу ерда Амир Темур боғи очилади! Соҳибқирон айнан мана шу қудуқ ёнида туғилган! Бу жой ҳали жаҳон сайёҳлари бир кўришни оруз қиладиган муқаддас қадамжого айланади!” дея чираниб нутқ ирод этаётганларга дуч келардингиз.

Ғани чўзмай, Амир Темур таваллуди ва болалиги ҳақида тарихий китоблар орқали ҳам мавзулаштирилган боғ яратаск бўларди. Бу жой ҳақиқатан ҳам бобомиз туғилган тупроқ бўлса, унинг ҳурмати қилиб, ўн минглаб меҳмонлар, зиёратчилар келадиган муҳташам масканга айлантириш лозим эмасми?

Келинг, ўзимизга қайтамиз. Кенгликларга қараб киши ҳайрат ва ҳаёлга эргашади. Наҳотки, жаҳонни фатҳ этган буюк саркарданинг болалиги шу ерларда ўтган. Кўзни юмиб, чуқур нафас олганча тасаввур қиласан киши: “Ана, ўн ёшли Темурбек тенгдошлари билан кураш тушмоқда. Барини йиқитди! Қойил, яшавор, азамат! И-я, тагин буниси ким бўлди? Олишман дейдими? Темурбекдан катта-ку? Чамаси, орада беш ёш бор. Тарағай Баҳодирнинг ўғлини қаранг, жиккаккина бўлиб дароз йиғилта бўйин чўздади-я! Бобойлар соқолини селкиллапти, бошни сарак-сарак қилиб, елка учириб куллишини кўринг. Ҳай, майли, олишса-олишин! Шундоғам ўнтасини йиқитиб, кучдан қолди. Барибирам Қўсоқолимизнинг тўнғичига кучи етармиди? Қўйиб беришди. Олиш бошланиши ҳамонқо Темурбек девдеккина рақибини елка ошириб олди. Бечорагина гурс этиб тупроққа тушдию бошини чангаллаб қолди...”

Ҳақ орасида юрган ривоятга қўра, Темурбек шу тўйдан қайтар пайтида ори чидолмаган қишлоқ йигитлари ўртага олиб, оёғини синдирган. Аслида, гапнинг ростини Низомиддин Шомий ва

ИЗЛАРНИ ИЗЛАБ...



Шарафиддин Али Яздийларнинг “Зафарнома”-сида муфассал баён этилган. Буюк бобомизнинг ўзлари ҳам “Темур тузуқлари”да шундай деган: “Сейлстон волийси ваъдасига вафо қилмагани учун иложсиз йўлларни тўсиб, жане жадалга киришдим. Шу пайт бир ўқ келиб билганима қалди, яна бири оёғимга тегиб яралади... Ўша вилоятда яраларим битегунча икки ойча туриб қолдим”.

Кенгликларга қайтамиз. Ҳазратимиз йигирма тўрт ёшлида довуэр Хўжа Илғор қишлоғида яшаган ва кўп қатори кураш, кўпқари, “оқ суяк”, “чурр-кес”, пойга, тош кўтариш, “така лов-лов” ва бошқа ўйинлар билан шуғулланган. Падари бузруквори барлос қабиласининг нуфузли оқсоқоли эди. У киши Туркистоннинг ўша пайтдаги ҳукмдори Амир Қозоғон олдида ишонч қозонган хурмати бор беклардан ҳисобланар, Чигатоий улуси беклари қурултойларига қатнашиб турарди. Ҳарбий ишларга майли йўқ, тақводор, вақтини дарвешлар билан ўтказарди. Шарафиддин Али Яздийнинг таъбирича: “Тарағайбек уламо ва сулаҳо ва муттақийларга мушфиқ ва меҳрибон эрди ва буларнинг мажлисига борур эрди...”

Шу қурултойларда кўзи пишган Темурбекда миллатпарварлик қони жўш уради. Ўсмирлик даврида ноқ жонажон юрти ёвлар қўлидалигидан гаши келар ва бўлажак жангларга маънавий-жисмоний куч тўплаб борарди.

Дарвоқе, Хўжа Илғор қишлоғи қабристониди “Полвон тош” ҳам бор. Амир Темур йигитлик чоғларида ушбу ғайриоддий шаклдаги қадимий тошни кўтариб машқ қилган, дейишади. Оғирлиги юз килога яқин. Ҳалигача сайилда йиғилган йигитлар тошни ўртага олиб, енг шимариб мусобақаланиб туришади.

Яккабоғ туманидаги Тутак қишлоғида ҳам Амир Темурнинг пири Тутак ота (Бобойи Валий) билан боғлиқ бошқа бир “Полвонтош” мавжуд. Оғир юкни ердан узарда тиш орасидан сирғалиб чиқадиган “Ё пирим!” деган нидо шундан дир эҳтимол...

Шу пайт баҳс бошлиниб кетади. Билаги зўрлар: “Бу – полвонтош!” дейди. Билими зўрлар эса: “Бу – қабртош”, дейди. Билаги зўрлар: “Исботла!” дейди. Билими зўрлар: “Унинг бешиксимон шакли темурийлар давридаги қабр тошларига хос, Самарқанддаги Шоҳи

Зинда ансамблидаги қабртошлар ҳам шундай!” дейди. Полвонлар қош уйиб: “Бу бир қайроқтош бўлса, қабртош дегани мрамардан ишланмайди-ми? Ана, ёзувиям йўқ-ку?! Тошимизни тинч кўйинлар!” дейди. Билгичлар ҳам тошининг тер деса, териб кетармиди? Тагин қизишади: “Тошда ёзув йўқлиги ҳам табиий ҳол: ўрта асрларда айрим қабр тошлари, айниқса, гўдақлар, аёллар ёки олдиндан тайёрланган, лекин ишлатилмай қолган тошларда ёзув бўлмаган!” дейди... Хуллас, ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё!

Амир Темур жисмоний кучни шу каби тошлардан олган бўлса бордир. Лекин маънавий кучни аввало, отасидан ва пирларидан олган. Англаганингиздек, кейинги манзил –

“Дорут тиловат” мажмуаси.

Ушбу мажмуа XIV аср охири – XV асрнинг биринчи ярмида шакланган бўлиб, унинг таркибига Кўк гумбаз масжиди, Шайх Шамсиддин Қуллоп ва Гумбази Сайидон мақбаралари ҳамда бир қатор ҳужралар кирди. Ҳатто, Самарқанд ва Қашқадарё орасига тушган Тахтиқорача доводиди манглайга қафт тираб қарасангиз ҳам кўзга яққол ташланганидан Кўк гумбаз масжиди қадим Шохрисабзнинг фахри ҳисобланади. У 1434-1435 йилларда буюк давлат арбоби ва олим Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг буйруғи билан қад ростлаган. Унинг рўпарасидаги Шайх Шамсиддин Қуллоп мақбараси XIV аср охирида барпо этилган. “Зафарнома”да шундай дейилган: “У (Амир Темур) қадрили шайх Шамсуддин Қуллога сидқидилдан ихлоос қиларди ва унинг муборак қабрига (зиёрат учун) тез-тез бориб турарди”.

Ундан аввалроқ, яъни 1373-1374 йилларда Амир Темур Шамсуддин Қуллоп қабри ёнига кичик гумбазли мақбара қурдирган ва отасининг жасадини шу ерга кўчиртирган. Унга туташ яна бир мақбара “Гумбази Сайидон” деб аталади. Мақбара 1437 йилда Мирзо Улуғбек буйруғи билан қурилган. Ичкарида XV–XVII асрларга оид, Термиздан келган сайидларга тегишли бир нечта қабр тошлари бор. Бу ердан зиёратчи ва сайёҳларнинг қадами узилмайди.

Амир Темурнинг биринчи қабри. Ҳа, эшитган қулқоқ галати туюлиши мумкин. Дастлаб Соҳибқирон Шаҳрисабзда ўзи учун ҳашаматли бино қурдириб, мрамартошдан сағана

ҳам тайёрлатган эди. Бироқ у тўсатдан вафот этгани сабабли, Самарқандда, набираси Муҳаммад Султон учун барпо этилган мақбарага фавқулодда ҳолатда, таъбир жоиз бўлса, махфий тарзда дафн этилди.

Кешдаги мақбарага илк бор, болалигимда тушганимда вужудимни аллақандай кўркув қуршаган. Ўшанда туйганим зах ва нам тупроқ хиди ҳали ҳам шундай... Қадам боссангиз ўзингизга эшитилади. Олти томонда муқаддас қалималар битилган. Чириган қадимий занжирларни ушласангиз, пашмақдай уваланиб кетади. Бироздан кейин ҳаво етмаётганини сезасиз. 1941 йилда бу қабрни ҳам очиб кўришган. Ҳар эҳтимолга қарши, у-бу нарса топамиз дейишгандир-да. Ундан аввалроқ бу даҳма тасодифан топилган. Шу маҳалланинг болаларидан бири ўйин авжиди тасодифан чуқурга тушиб кетади. Уни кўтариб олишгунча нималарни ўйлаган бўлса бечора...

Даҳма устида Аҳмад Ясавий мақбарасига бирга бир ўхшайдиган маҳобатли мақбара бўлган. Бунинг келбати Клавиво кифтини келтириб мақтаган жойлари бор. Умуман олганда, Дор ус-сиёдат меъморий мажмуаси бир қатор тарихий ёдгорликлардан таркиб топган бўлиб, уларнинг орасида энг асосийси Жаҳонгир мақбарасидир. Амир Темур тўнғич ўғлини жуда қаттиқ яхши кўрар, унинг шижоатида ўз болалигини кўради. Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон ҳам айни шундай мард ва жасур жангчи бўлган. Иккиси ҳам асосий тахт вориси эди. Иккисининг елкасига ҳам ажал қуши жуда эрта кўнди. Амир Темур тахтининг учинчи қонуний давъогари Пирмуҳаммад Султоннинг ҳам қисмати аянчли яқун топган. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг иккинчи ўғли бўлган султон отасининг ўлимидан 40 кун ўтгач туғилган. 1392 йилда Амир Темур Ғазна, Қобул, Зобулистон, Қандаҳор вилоти ва Синд дарёсигача бўлган ерларни Пирмуҳаммад тасаруфига топширган эди. У бобоси Амир Темурнинг бир неча ҳарбий юришларида, жумладан, Ҳиндистон фатҳида қатнашган. Амир Темур вафоти олдида Пирмуҳаммаднинг ўзига валиҳд деб эълон қилган. Бироқ уни бошқа темерий шаҳзодалар ва хатто Утторда турган қўшин бошлиқлари ҳам тан олмаган... Хуллас, шундай улуг қисмат соҳибларининг қабри бошидамиз...

Мақбарага туташ масжид ховлисиди 1370 йилларда экилган чинорлар бор. Улар барча темерийлар билан бир ҳаводан нафас олган...

“Бизнинг қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқин!” Ушбу улугвор сўзлар айнан Оқсарой пештоқиға эзилган. У йигирма тўрт йил мобайнида қурилган ва асрлар давомида секин-секин буздирилган... Агар ҳозиргача аслича сақланганида эди, Марказий Осиёдаги энг ҳайбатли тарихий бино бўларди. Сарой Амир Темурнинг онаси Такина хотун хотирасига бағишлаб бунёд этилган. Қурилишда ва безаклаш ишларида Хоразм, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатлардан келтирилган ҳунар-

мандлар иштирок этган. Жумладан, гумбазли арки яшаш ва безашда тош кесувчи уста Муҳаммад Юсуф Табризийнинг иштироки бўлгани сарой ёзувларида сақланган.

Болалигимда дадам: “Бу саройнинг ғиштлари Хоразмдан келтирилган. Икки қадам оралиқда аскарлар саф тортиб, бир-бирига ғишт узатишган. Ерга тушиб синганлари олинмаган. Шу тарзда Хоразмда тайёрланган ғиштлар Шаҳрисабзгача қўлма-қўл етказилган. Унинг қоршамасига туя сути ва асал қўшилган”, дер эдилар. Бу маълумот қанчалик тўғрилигини билмадим, аммо кейинги воқеа чинлиги чин. Подшо ҳукумати Оқсарой ва қалъа деворларини буздириб, ғиштларидан ҳукумат идораларни тикларкан. Шунда тайёр ишчи кучи сифатида маҳаллий болалардан фойдаланаркан. Бир ёнқоққа битта ғишт...

Иншоот аввалига 73 метрлик бўлиши керак эди. Шаҳрисабз шарқида Сувтушар шаршараси бор. Унинг баландлиги ҳам шунча. Айтишларича, Амир Темур шу шаршара безаклигига ҳавас билан термулиб, Оқсаройнинг бўйи ҳам шунча бўлишини буюрган экан... Саройнинг том қисмида кичик ховуз бўлган. Унга Тахтиқорача доводидан кўрғошин (баъзан қамиш, баъзан сопол дейишади) қувурчалар орқали сув тортилган. Тепадан тушган сув шаршара ҳосил қилган. Давлат учун муҳим сиёсий гурунгллар шаршара шовқини остиди ўтгани учун ҳуфялар маълумот ололмаган. Бундан ташқари, Оқсарой ва унинг қурилиши ҳақида минг хил афсона тўқилган.

Саройни безаши керак бўлган устанинг тўсатдан қочиб кетиши, маликага ошиқ наққош, қанот боғлаб учган меъмор, эҳ-хе, гапирса гап кўп... Бино битгач, асосий безакчи тепадан ерга тегар-тегмас занжир ташлаб, ўзи кўздан ғойиб бўларкан. Орадан бир неча ой ўтиб, аскарлар гуноҳкорни тутиб келаркан. Соҳибқирон ҳузурда кўркувдан дир-дир титраб турган уста сўнгги сўз сўраркан... “Олампақоқ, бир қошқик қонимдан кечинг. Сарой қурилгач, бир неча қулоч ерга чўқади. Безаклаш ишлари бекор кетмасин деб ишни пайсалга солдим. Ишонмасангиз, мен қолдириб кетган занжирга қаранг...” Уста ҳақ бўлиб чиққан ва муқофотланган. Оқсарой жойлашган ҳудуд ҳақида ҳам афсоналар юради. Масалан, у ер аввал ботқоқ ва сершабада бўлгани учун шу ерда қурилгани тўғрисида...

Асрлар давомида бу масканда манаман деган ҳукмдорларнинг тож кийиш маросими ўтказилган. 1707 йилда Бухоро хони Убайдуллоҳон Оқсарой пештоғи остиди тож кийиб, тахтта ўтирганлиги пештоқнинг ўша пайтда бутун эканлигини дарак беради. Аштархонийлар кукронлиги даврида Оқсарой Шаҳрисабздаги кенгаас беклари учун ҳам қароргоҳ вазифасини бажарган.

Подшо ҳукумати ва советлар даврида мазкур муҳташам биного жуда кўп шикаст етказилган. Тўпга тутишган, бузиб, бошқа бино қуришга уришиллар бўлган, аммо асрлар зарбига дош бериб келадиган Оқсарой ҳамон ўз салобатини сақлаб турибди... Яқин-яқин йилларгача ҳам бинонинг чап қисмидаги равоқлари орқали юқорига кўтарилиш мумкин эди. Лекин тарихий биноларга муносабатимиз туфайли кириш тўхтатилди.

Ҳай, даврон ўзгаряпти, муносабатимиз ҳам ўзгариб қолар...

Шаҳриёр ШАВКАТ



ВАТАН ОМОН БЎЛСИН, ВАТАН ТИНЧ БЎЛСИН!

Бошланиш 1-саҳифада.

Дастлабки кунлар аравакашларга ўхшаб кийиниб, уларнинг юриш-туришини ўзлаштирдим, “касбий атамалар”ни ўргандим. Бир неча кун арава тортдим, ҳаммоллик ҳам қилдим. Биринчи кун елкаларим зирқираб оғриди, кейин бўғимларга ўтди. Кафтим қавариб кетади, сувланиб ачишади, қадоқлар ўрни ярага айланиб, секин тузалади. Аммо иш кутиб турмайди, жонингиз оғриси ҳам тирикчилик аравагини торттиришга мажбурдир.

Мени биринчи хайрон қолдирган нарса, у ерда на исм бор, на фамилия. Кунгилга наштардай санчилган нарса ёшингиздан қатъи назар сизни “Эй, арава!” деб чақиривади. Ҳатто, “Эй, аравакаш!” ҳам дейишмас экан. Одамга қанчалик оғир... Ахир, инсоннинг шахси бор. Шу ўринда айтиб кетишим керак: ким бўлишдан қатъи назар, одамга одамий муомала қилиш керак.



Хуллас, иш жараёнини бошдан ўтказган, аравакашларнинг ички дунёсини ўрганишга ўтдим. Аравалар турадиган майдончалар бўларди, у ерда улар билан гаплашиб, сирини ола бошладим. Бири яхшигина рубоб чалар экан-у, оилавий шароити бўлмай шу ерга келиб қолган. Бири абитуриент, кундузи пул топиб, кечкурун имтиҳонга тайёрланади. “Онамнинг мазаси йўқ, операция қилдиришим керак”, дейди бири.

Ёши катталари тақдирга тан берган. Аммо ёшларнинг кўзида умид учқунли порлайди. Улар учун арава тортиш чорасининг чораси, холос. Бу энди чорак аср аввалги гап.

– **Энг муҳими, улар ҳалол йўлни танлаган. Бировнинг молига чанг солмаган, алдамаган ёки тушқунликка тушиб, иллатлар домига тортилиб кетмаган.**

– Жуда ҳам тўғри айтдингиз. Оғир иш бўлса ҳам, лекин ҳалоллигини, инсонлигини сақлаб қолган.

Материал йиғиш вақти тугагач, бир неча ҳафта қарақат бўлиб юрганман. Чунки онгим қарама-қарши фикрлар жанги, қалбим ҳиссиётларнинг кучли бўрони марказига айланиб қолган. Ушундан дунёқарашимда катта эврилиш содир бўлди. Ҳаётга реал кўз билан қараш, одамларнинг орзу-армонларини қуйидан туриб ўрганиш кераклигини тушундим. Салқин кабинетдан чиқмай қоғоз қоралаш журналистика эмаслигига ақлим етди.

Мақолани қоғозга тушириш чоғида диққатимни жамлаш ҳам осон бўлмаган: ижара уй ташвишлари, ёш болаларнинг йиғиши, очиги, бундоқ ўтириб ёзуглик шароити йўқ. Охири, қоғоз-каламни кўтариб, кўп қаватли уй тозорига чиқдим. Зинага ўтиргачча бир нималарни қоралашга ҳаракат қилдим. Эрталабки тўрт бўлди, лекин ёза олмаппман. Миёда бир уй: “Ҳозир тонг отади, муҳаррирга мақолани топширмасам, кейин нима бўлади?” Бошқалар аллақачон вазифани бажариб, одатдаги меҳнат постига қайтиди. Бугун ҳам топширмасам, хизмат сафарим бориб турган саёқлик деб баҳо олиши аниқ”. Ижара уй ҳам омонатга ўхшаб қолди. Ишқилиб, ўйиндан ўт чиқмасин: янаги иш топунча бозордаги кадрдонларнинг сафига қайтаман шекилли... Кейин бирдан ёза бошладим, худди ичмидан вулқон отилапти. Бир вақт соатга қарасам, саккизга яқинлашибди. Зина пиллапояларида 15–20 қоғоз қоралама сочилиб ётибди...

Уша кунёқ Бош муҳаррир хонасига чақирди: “Жуда зўр нарса ёзибсан. Бундан қандай ёздинг? Ўзинг ёздингми ахир?”,

деди. “Шунақа деса ҳам бўлади. Ўзим ёздим-у, лекин ҳис-туйғулар, фикрлар аравакаш дўстларимники. Ҳали ҳаммасини қоғозга тушира олмадим”, дедим. “Қолгани сен учун заҳира, келгуси фаолиятингда керак бўлади”, деди раҳбар ва рағбатлантирди.

Мана шу мақола мен учун журналистикада бир йўл очиб берган. Кейин ҳам бир неча марта “касбимни ўзгарттирдим”. Ана шунда Индира Гандининг сўзлари нақадар ҳаётий эканига амин бўлдим: “Аҳамиятсиз касб, кичкина одам йўқ! Эрак ё аёл бўлишдан қатъи назар, ҳамма ўз ишини яхши бажарса, бутун мамлакат гуллаб-яшнайдир”.

– **Журналистикага янги авлод кириб келмоқда. Энди замон уларнинг олдида Сиз ва сизнинг авлоддан фарқли масалаларни қўйяпти. Замонавий журналистларнинг ютуқ ва камчиликлариغا қарашингизни билмоқчи эдик.**

– Журналистда ҳам шоир, rassom ё кў-

мавжуд муаммоларни ҳукмдорларга, сарой чиқарган қарорларни халққа етказиш бўйича мураккаб схема ишлаган минтақамизда. Маҳмудхўжа Бехбудий, Чўлпон, Абдулла Қодирий публицистикасини ўқисангиз, улар бошиданок тезкорлик, холислик, аниқлик, масъулият билан бирга миллийликни ҳам тамойил сифатида қўллаган.

Гап келганда айтиб қўйиш керак: ҳамма замонларда ҳам ахборот оқимини тўғри бошқара олган ҳукмдорлар буюк давлат кура олган. Амир Темур даврида Ер юзидега бобомиз каби хабардор ва оғоҳ зот бўлмаган. Соҳибқирон салтанатида ахборот олиш ва тарқатишнинг мукамал тизимини йўлга қўя олгани учун ҳам 30 га яқин давлатни бирлаштирган империяни бунёд этган, сақлаб турган.

– **Бугун “Янги Ўзбекистон” газетаси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг кўзгуси ҳисобланади. Шу билан бирга янгиликлар тақдим этишдан тўхтагани йўқ. Хусусан, газетда “Тамаддун тафаккури” иловасининг берилган сўзимиз исботидир.**

– Дарҳақиқат, газетамиз республика миқёсидаги энг ёш ижтимоий-сиёсий газета. Ушбу тахририят таркибидаги “Правда Востока” газетаси эса республика миқёсидаги энг “отахон” нашр ҳисобланади. Иккинчи апрель куни 109 йиллигини нишонладик. Бизда кексаликнинг тажрибаси, ёшлиқнинг гайрати бирлашган.

Айтишим мумкинки, биз юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли тарихий ислохотларни тўлиқ ёритиб улгурмаямиз. Қаранг, ҳар кун чоп этилса ҳам ўзгаришлар шу қадар кенг қанот ёздики, саҳифаларимиз қулочига етмай қолди. Айна шу сабаб медиа оламига ҳам кириб боряпмиз.

Саволга қайтсак, Ўзбекистондаги Исломи цивилизацияси марказининг очилиши битта мавзу эмас. Унинг ҳар бир қаричи, ҳар бир экспонати, ҳар бир нақши бир янгилик, бир тарих. Нафақат республика, балки жаҳон миқёсида эътироф этилаётган марказ билан халқимизни яқиндан таништириш учун амалдаги газета имконияти етарли бўлмай қолди. Шунинг учун ҳам сиз эслagan лойиҳани йўлга қўйдик.

Жамоамиз билан саёҳатга борар эканмиз, бир неча кун ўзимизга кела олмадик. Ҳар бир ижодкорда Марказ ҳақида айтадиган сўзи, одамларга етказиш зарур деб ҳисоблаган топилмаси бор. Уларни газетанинг режа-дастури тўлиқ рағбатлантира олмади. Шунинг учун газета ичида газета бўлган “Тамаддун тафаккури” иловасини чиқара бошладик. Ҳар жума кун ушбу иловани ўқишлари мумкин муштарийларимиз.

– **Буларнинг барчаси бевосита илмга боғлиқ. Сўнгги йилларда адиблар, шоирлар, журналистларнинг илмий даражага эришиш кўрсаткичи ортиб бормоқда. Сиз ҳам филология фанлари бўйича фалсафа докторисиз. Изланишингиз қайси мавзуда эди?**

– Илмий ишимни 15 йил ilgари бошлагандим. Уша пайтлар ҳозиргидек “Матбуот ўлада!” Газета-журналларнинг умри тугади!” деган илмий-ақолият баҳсларида ўртага ташланарди. Матбуотга телевизионни қарши қўйишарди. Бугун телерадиога Интернетни زيدлаштиришяпти. Умуман, оммавий ахборот воситаларини қайси-дири йўқолиб кетади, қайси-дири кучли, қайси-дири кучсиз деб бир-бирига қарши қўйишнинг ўзи жуда нотўғри иш. Биз йўқотиш эмас, ривожлантириш ҳақида уйлашимиз керак.

Шундан келиб чиқиб, республикамизда, кейин билсам биринчи экан, медиа конвергенция мавзусини диссертация мавзуси қилиб олдим. Бу босма нашрларнинг замонавий технологиялар билан уйғун ривожланиши.

Масалан, газеталар энди фақат қоғоз шакли билан етказилиши керакмас. Мобил иловасини яратиш, сайтини очиш, ижтимоий тармоқларда саҳифаларини юритиш керак. Ана шунда аудитория ҳам кенгайди, босма нашр сифатидаги яшовчанлиги ҳам ошади. Бу масала Америка Қўшма Штатлари, Хитой, Россия, Европа давлатлари тажрибасида қандай ечим топгани билан қизиқдим. Кейин бизда ҳам буну жорий қилиш ва самарали амалга ошириш мумкин деган қарорга келдим. Бундан илмий тадқиқот орқали ўрганиб, филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертациясини ёқладим.

Биз “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока” газетасини ўқийдиган одамларни

жуда яхши кўраемиз. Баъзан расмий нашр мақомида бўлгани учун услуби ўта расмий ва куруқ дейишади. Айтманки, аввал бир ўқиб кўринг, биз материалларни халқ руҳи ва тилига имкон қадар уйғун беришга ҳаракат қилаемиз. Тезкор ахборотларни медиамақонда улашиб бораемиз, газетда асосий урғун таҳлилга қаратганмиз.

Ҳар бир сонимизда мақоланинг яқини-га QR-кодлар кўямиз. Бу орқали ёзгани бевосита мобил қурилмангизга юклаб олиб, ўзбек ва қорақалпоқ тилида ўқийсиз. Айтиш жоизки, биринчилар қаторида бизнинг тахририят қорақалпоқ тилида ҳам материал беришга ўтди. Сайтимиз эса ўзбек, рус, инглиз, қорақалпоқ, ҳозир ва тожик тилларида юритилади. Ҳозир яна бошқа тиллар устидан ишлаяпмиз. Шу сабаб бизни жаҳон майдонига ҳам кузатиб боришади.

Кўряпсизми, газетанинг умри ўтди деб, шошилинч ҳукм ўқимаслик керак. У ҳам тараққий этмоқда.

– **Яқинда чоп этилган “Янги Ўзбекистон орзуси” китобингиз зиёлилар ва ўқувчилар томонидан илиқ қарши олинди. Китобнинг яратилиш тарихи билан ўртоқлашсангиз.**

– Китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг каминга ходимингиз берган саволларга жавоби акс этган “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” сарлавҳали интервью билан очилган.

Шунингдек, китобдан ранг-баранг мавзулардаги суҳбат ва мақолалар ўрин олган. Суҳбатларимиз қайси мавзуда бўлмасин, айнан соҳа эгаларининг, масъулларнинг фикр-мулоҳазаларини ўзида жамлаган.

Мақсад: мухтарам Президентимиз Янги Ўзбекистон ғоясини эълон қилганларидан кейин юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёни, уларнинг самардорлиги, шу билан бирга турли жаҳалардаги янги-ланлишларни бевосита кузатиб, шунинг публицистик асарлар орқали муҳрлаш.

Яқинда талабдан келиб, “Китобингизни ўқиб-ўргандик. Бу бизга ўқув қўламли сифатида ҳам керак бўлар экан”, дейишди. Хурсанд бўлдим. Чунки, албатта, бу ерда муаллифнинг маҳорати бир томондир, лекин у ердаги фактлар, далиллар, таҳлиллар жуда катта аҳамиятга эга. Айниқса, уларни ўзининг тажрибасини орттириш, профессионал салоҳиятининг юксалишида катта аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

– **Яхши китоб ёзиш учун яхши асарларни ўқиш керак деган гап бор. Шу кунларда нимани мутлоқ қилсангиз?**

– Абдурауф Фитратнинг “Шарқ сиёсати” мақоласини ўқияман. 1919 йилда ёзилган мақола бир рисола, китобнинг эълонига эга. Бунда жамиятнинг ривожланиш тенденциялари қандай бўлиши ва унак қандай бўхронлар қайқатиши, мамлакат ривожланиши қандай кечиши гўзал ифодаб берилган. Уқишга киришдим-у, худди Абдурауф Фитрат бугунги дунё манзарасини кўриб, билиб ёзгандай таассурот уйғонди.

Чунки даврлар ўзгаради, технологиялар ўзгаради. Лекин жамиятнинг ривожланиш тенденциялари ва муаммолари долзарблигича қолаверади. Шунинг учун тарихни қанчалик яхши ўргансак, шунчалик фойда эканлигига ўзимиз амин бўляпмиз.

– **Устоз, эркин ва самимий мулоқот учун раҳмат! Муштарийларимизга дилсўзларингиз бўлса, марҳамат.**

– Энг тоза тилагим – Ватан омон бўлсин, Ватан тинч бўлсин! Биз учун тинчлик кўёш чиқиши, фасллар алмашиши каби табиий жараён бўлиб туолади. Аммо унинг ортида адвосиз меҳнат-машаққатлар турганини ҳар доим ҳам англамаймиз. Шу маънода Давлат раҳбари зиммасига қанчалик буюк юк тушаётганини тасаввур қиласизми?! Айниқса, Президентимиз Ўзбекистонда доимий тинчлик, оқсоқиллик бўлиши учун катта эътибор қаратаётганлари ва бу йўлдаги муваффақиятларидан ҳаммамизнинг кўнглимиз тўқ. Лекин бундан асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Шунинг учун, албатта, халқимизга, юртимизга тинчлик, омонлик, шу маънода юксалиш ва ҳар биримизнинг хонадонимизга файзу барокат, бахту соадат тилайман.

Суҳбатдош:
Зарнигор ИБРОҲИМОВА



Кўп раҳмат, Ойдин опа!

Бошланиш 1-саҳифада.

Куз эди, Ойдин Абдуллаеванинг жуда эсда қоларли ном ва муқова билан муслиқий тўплами чиқди – “Бир ишқ бўлса”... Ордан кўп ўтмай, юқорида айтганимдек, унинг концертдан баҳра олиш насиб этди. Муслиқ илмининг ҳали оддий мактабида ўқийдиган ўқувчисидан назарларга – ҳамма келди бу концертга. Тингловчилар ранг-баранглиги, яъни уларнинг фаолият юридагидан соҳа турлари жуғрофияси кенг бўлди. Келганлар орасида адабиёт аҳлини, rassomларни, иқтисодчилару меъморларни ҳам кўрдим. “Анъана”га кўра бундай бўлмастасини – зал композиторнинг шоғирдлари ҳамда яқинлари билан тўлиши керак эди... Бу – мен учун ижодий оқшом берган илк ҳайрат бўлди.

Дастур “Янги Ўзбекистон” увертюраси билан бошланди. Асарни ўзбекна руҳ ва кайфият билан тингладим; ўзбекилим ёдимга тушди... Миллий оҳангларга бурканган доира зарблари орасидан танбур навалари қулқоқ чалинади; скрипка ва дамли чоғулар жүрлигида Ватанинг минг бир сурати бетакор рангларда кўз олдимизда жилоланади; хаёдан, юрак ва нафас парвоз этади...

Ватан манзаралари, Ватан аро босиб ўтган йўлларингиз хотирада бир-бир тиклана бошлайди – шонли тарих ва фаровон келажак ҳар қачонгидан аниқ гавдаланади, уларнинг товуши тугул, ҳатто ҳиди ҳам сезилади. Бирдан сато товуши қулқонгизга чалинади-ю, онангиз ёлган нон, коса тўла, ҳиди одамни гангитадиган, ҳе-еч меъдага тегмайди-ю қаймоқ ифори хотирами бир аниқ шаклга, муайян орган кўришига келтиради ва унинг ҳам этди жунжикади; тарона давом этади!

Олқишлар янгради. Менимча, ўша қафларидан ўт қанаганларнинг бари худди мен каби нафақат оркестр ва унинг эллик-бошиши – Камолитдин Ўринбоевга, балки бугунги кунга, унинг бераётган имкониятлари ва бунёд этаётган эртаси учун ҳам қарсақ чалишди. Ватан учун қарсақлар чалинди! Уч дақиқа наво тинглаб, бир дақиқа алқов айтдик, дўстлар!

Салом-алиқдан сўнг давработи Нодира Омонова дастурни расман очиб бериш учун Ойдин Абдуллаеванинг устози, таниқли композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими, профессор Аваз Мансуровни даврага чорлади. Аваз Мансуров кўпчилик эътибор қаратмаган бир жиҳатга – Ойдин Абдуллаева ва Камолитдин Ўринбоевнинг ўзига хос ҳамоҳанглигига урғу берди. Забардаст педагог бу икки ижодкорнинг бир ёқадан бош чиқариб, муслиқ санъатини янги даражага чиқариш йўлидаги ҳаракатлари ва изланишларини янги замон жадидалигига, янги замон даҳолигига менгази – “Бугунги концерт – икки ижодий ҳодисанинг ўзига хос тандеми”, дея таъриф берди. Навбат композиторнинг “Жаман Шиганақ” номли учинчи симфониясига берилди. Қорақалпоқ миллий муслиқий мотивлари асосида инсоннинг энг олий хислати ёхуд қобилияти – хотира, одам ҳаммаша бахтга муҳаббат орқали етишиши ва бу бахтни у энг аввало ўз Ватанида туя олиши каби ҳақиқатни тараннум этувчи асар

най нопалари билан бошланди. Мураккаб полифоник, яъни кўп қатламли оҳанглар силсиласи бир вақтнинг ўзида ҳам ёрга, ҳам Ватанга ва умумий маънода борлиққа – Тангри яратган қурраи заминга, ирмоқларга, тоғ-тошларга, қарқоқ ўзанлар-у улардан айрилган дарёларга қайтишдан сўзлади.

“Жаман Шиганақ” ҳарорат ўйинларига ҳам бой бўлди. Мутасил найга муржоат қилган бу куй дадил ҳамда ёвқур руҳ билан вужудингизда аллақандай ҳиссий исённи кўзгатади-да, яна ўзининг дардли мотиви билан оҳиста аллалайди – ҳарорат бир кўтарилади, бир тушади. Охирида эса бари портлайди! Худди яхши ёзилган шеърдаги каби.

Мағрибдан Машиққача турли миллат ва элатлар турли зашомларда ўзларининг турмуш тарзи, қадриятлари ва оғриқларидан келиб чиқиб, ўзига хос муслиқий йўлларини яратишди. Интервьюларнинг бириди Абдухашим Исмоилов: “Ҳеч қайси миллат бизнинг мақомларимизни жиловлан олмайди, аммо биз уларнинг муслиқасини ижро эта оламиз”, деган эди. Дарҳақиқат, шундай: Ҳар мисол: Ҳарвақат ундайси турсин, маънавий сабоқ олдим. Бунинг учун композиторга миннатдорлик изҳор этман ва таъзим бажо келтираман! Композиторнинг эсда қоларли дастхати яққол сезилиб турадиган мазкур асарда оркестр икромчиларнинг маҳорати ҳам алоҳида таҳсинга сазовор, айниқса, икки найчи ва қўшнаичи йиғитларнинг...

Дастур якунидаги “Тромбон ва оркестр учун концерт” премьераси, шаксиз, эсда қоларли кульминацияга айланди. Саҳнага иссиқ истарали Бурҳон Султонов чиқиб асарни ижро эта бошлаганида, менга ҳамроҳ бўлиб келган Алишер ака Казакбаев: “Тромбон ўзбекча гапириб, деяр ҳайратини яширмади... Ўзига хос қочиримлар, оркестрнинг фавқулодда баланд пардалар билан қўзғалиши ҳамда элик қўчишлар билан асар муслиқ оқшомига мантқиқий ва ҳаяжонли якун ясади.

Олқишлар! Гуллар! Кимдир табриқлашга, яна кимдир расмага тушишга илҳақ! Ҳамма композиторни ижодий зафар билан самимий мубороқ этди, кўп илқ сўзлар айтди. Мен-чи? Камина учун концерт ҳануз давом этмоқда, қалбимга оқшом навалари мудом янграб турибди. Кўп раҳмат. Ойдин опа! Браво!

Ақмалжон ЙЎЛДОШЕВ



ТАЪЗИЯ

ТЕАТРНИНГ ДОНО АЯЖОНИ ЭДИ

Ўзбек санъати оғир жудолликка учради. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, “Дўстлик” ордени соҳибаси Доно Бобохонованинг юраги 80 ёшида уришдан тўхтади.

Доно Бобохонова (Данисия Даяновна Бобохонова) 1946 йил 20 ноябрда туғилган. 1970 йилда Тошкент театр ва расомлик институти (ҳозирги Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти) ни тамомлаган.

Актёрлик фаолиятини 1968 йилда “Ёш гвардия” театридан бошлаган. 1990 йиллардан кино соҳасига кириб келган.

Актриса “Бозор кўрмаган йигит” киноновелласи орқали кенг халқ оммаси эътиборига тушган. Кейинги даврда “Чол ва набира”, “Тилим курсин”, “Улфатлар-2”, “Тилла бува”, “Дамнинг совғаси”, “Вафодорим”, “Куч бирликда”, “Берлин-Оққўрғон” каби фильмлардаги роллари билан томошабинлар ёдида ўчмас из қолдирди.

Сўнги йилларда Доно Бобохонова Ўзбек давлат драма театри саҳнасида кўйилган “Аяжонларим”, “Ромео ва Жульетта”, “Эй, биз бормиз!...” каби миллий ва жаҳон драматургияси дурдоналарида яратган образлари билан санъат шайдолари меҳрини қозониб келаётган эди.

Истеъдодли инсон барча соҳада истеъдодли, деганларидек актриса назм ва насрда ҳам баракали қалам тебратганига гувоҳ бўламиз.

Ўзбекистонда театр ва кино санъатини тарғиб қилиш, маданият соҳасини ривожлантиришда Доно Бобохонованинг хизматлари салмоқлидир. У нафақат санъаткор, балки фидойи ватанварпар сифатида республикамиз бўйлаб ўтказилган тадбир ва учрашувларда фаол иштирок этиб келди. Театрга илк қадам қўётган ёшларни тарбиялаш, уларга ҳаёт ва санъат сирларини ўргатишда ҳам у кишининг сабри ва маҳорати, устозлик салоҳияти эътирофга лойиқ.

Донохон опа камдан-кам санъаткорга насиб қиладиган бахтга – уч авлод томошабини олқишига сазовор бўлиш шарафига муяссар бўлди. Бугун кўп миллионли халқимиз орасида уни танимаган, ролларидан беҳабар инсонни топиш амримаҳол. Бу ҳам касбга садоқат ва муҳаббатнинг меваси, адолатли сийловидир.

Санъаткорнинг хизматлари Мустақиллик даврида муносиб баҳоланди.

Атоқли санъаткор, меҳридарё мураббий Доно Бобохонованинг ёрқин сиймоси халқ хотирасида ҳамда санъат тарихида ҳамма вақт сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги,
“Jadid” газетаси таҳририяти



МОЗИЙДАН САДО

“БОР, ТОВОҒИМ... КЕЛ, ЯРОҒИМ!”

“Бор товоғим, кел товоғим” матали минг йиллар аввал яралиб, тор маънода кўни-қўшиллар, кенг маънода турли даврларда салтанатларнинг бир-бирлари билан ўзаро борди-келдилари, яъни савдо айланмасини англатади. Буюк Ипак йўли устида жойлашган ўлкамиз неча асрлар Шарқ ва Ғарбни иқтисодий боғлаб турган кўприк вазифини ўтагани ортида ҳам шу муносабатлар ётибди. Аммо...

1840 йилда Англияда пахтани чигитдан ажратадиган “Жин” машинаси ихтиро қилинади. Бу машина юзта аёлнинг бир кунлик ишини бир соатда бажара оларди. Ускунанинг яратилиши тўқимачилик саноатига зарур хомашёга талабни ниҳоятда кучайтириб юборди. Англия фабрикалари пахта етиштирилмаган Осиё ва Африкадаги мамлакатларни нишонга олди – ўша даврдан бошлаб бу икки қитъада Англиянинг мустамлакалари сони оша борди. Бу ёқда чор ҳукумати юртимизни забт этиш режаларини ошқорлаш ишлаб чиқишга киришди. Мустамлакачиларнинг иштаҳаси шу даражада очилдики, минтақамиздан чиқадиган мўл-кўл хомашёни кўп ва арзонга олиш озуиси кундан-кунга “болалаб” бораверди. Кўп ва арзон олишнинг биргина йўли бор эди – хонликларни босиб олиш. Акс ҳолда, хонликлар хомашёни ўзларини қониқтирган баҳоларда сотишар, айрим йиллари нарх устида келишмовчилик сабаб пахта кам чиқариларди.

Этиборингизга бир ҳужжатни ҳавола қиламиз. Генерал-майор Веригин 1826 йил 1 февралда “Бизнинг савдомизни Ўрта Осиёда кенг ёйиш ва унинг хавфсизлигини таъминлашнинг ягона воситаси сифатида Хивани эгаллаш зарурлиги ҳақидаги фикрнинг қисқача баёни” номли хатини император Николай биринчига топширади. Веригин хатда минтақадан



рус савдосининг ривожланиши, рус саноат эгалари ва савдогарлари учун қулай шароитнинг йўқлиги, кўпинча савдо қарвонларининг таланишини қайд қилиб ўтаркан, “бу масалада қурол кучи билан Россиянинг обрўсини кўтариш”ни таклиф қилади. У яна хатида: “Инглизларнинг Таристон чегараларига яқинлашиши тезда рақобатчилар ўртасида хавф туғдиради”.

Веригин инглизлардан беҳуда хавфсирмаган. Бу вақтда инглизлар Афронистонга бостириб кирганди. Марказий Осиёда инглиз капитализмининг таъсири сезиларли даражада ўсганди. Инглизлар нисбатан арзон ва сифатли товарларини уч хонлик бозорларига келтиришни кўпайтирган ва бир қатор соҳаларда рус товарларини маҳаллий бозорлардан сиқиб чиқарганди. Чор маъмуруларнинг барча хатти-ҳаракатлари (ҳатто ўзаро савдода ҳам) тагида ётган ёвуз ниятлари биргина Веригин хатида эмас, Николай биринчи-га юборилган бошқа хатларда ҳам акс этган. Ҳатто, Ф.Достоевский “Ўрта Осиёни тезроқ босиб олиш” таклифи билан

подшоҳга уч марта хат ёзган. Бу хатлар, илтижолар беиз кетмайди ва 1865 йилда генерал Черняевнинг кўшини Қўқон хонлиги чегарасини бузиб ўтади.

Қадим Туркистонни бир ярим аср қўлликка солган рақамларга юзланамиз: 1861 йилда Русияга Марказий Осиёдан 152 минг пуд пахта келтирилган бўлса, 1862 йили бу кўрсаткич 405 минг пудга етган. Икки йилдан сўнг эса 704 минг пуд пахта харид қилинган. Уч йилда деярли олти қарра ўсиш. Шу мuddатда Европа бозорларидан олиб келинган пахта кескин камайган. Масалан, 1861 йилда 2491 минг пуд пахта келтирилган бўлса, 1863 йилда бу рақам 587 минг пудга тушган. Деярли, беш марта кам! Чор ҳукумати учун Туркистондан пахта олиш самарали бўлгани ушбу қиёсламда кўринади.

Уч хонлиқда етиштирилган пахтани Чор Русиясига олиб бораётган савдогарлар ҳам анойи эмасди. Улар талаб ошганини кўриб, нархини ҳам кўтарган. Масалан, 1861 йили Москва ва Нижний Новгород бозорларида бир пуд пахта 4-5 сўмдан сотилган бўлса, 1863 йилга келиб, бир пуди 22-23 сўмдан пулланган. Шунча миқдор пахта туя қарвонларида минг машаққат билан олиб борилгани алоҳида мавзу. Пахта таннархининг бу қадар кескин ошиши қайта ишловчи фабрикаларни инқироз оstonасига олиб келган. 1860 йилда ишлаб турган 57 та йигирув фабрикасида 1863 йилга келиб 35 тагина, 659 тўқимачилик фабрикасида эса 338 тасигина қолган. Пахта нар-

хнинг ўсиши Европа пахтасидан воз кечиб, назарларидан “арзон ва сифатли” деб билган Туркистон пахтасига кўз тиккан чоризм саноатчилари ва сийсатчиларига ёқмади. Улар бозор сийсатини тан олмади – фирромлик йўлига ўтди. Хонларга юборилган турли совғалар иш бермагач... энди ҳосилдор ерларга эга ўлкани босиб олиш таъшишига тушди.

XIX асрнинг биринчи ярми охири ва иккинчи ярмида Русиянинг катта шаҳарларида чоп қилинадиган газеталар тахлаларини варақласангиз, Марказий Осиёни тезроқ босиб олиш ҳақида турли даражадаги кишиларнинг мақолаларига кўзингиз тушади. Ҳўқмрон доиранинг айрим вакиллари, айниқса, дипломатлар бу борадаги режа ва лойиҳаларини уялмай-нетмай баён қилган. Айрим муаллифлар бу ишимизга дунё ҳамжамияти қандай қарайди, деган мулоҳазага борган, аммо кўпчилик овозлар уларнинг сасларини босиб кетган. Матбуотда бу масала бежизга кўтарилмаган. Шундай тарғибот орқали жамият катта урушга ҳозирланган. Агарда дунё ҳамжамияти бу борада норозилик билдирса, баҳоналари: “Буни подшо эмас, оддий халқ истаяпти!” дейиш керак бўлган.

Русия бозорларига пахтани маҳаллий савдогарлар олиб борган ва улар рус тилини яхши билган. Йил давомида савдо ярмаркаларида савдогарларнинг доимий вакиллари ишлаган. Савдогарлар наҳотки ўша газеталарни ўқимаган бўлса? Ўз юртларини босиб олиш ҳақидаги қақриқлар қўлоқларига сира чалинмаган бўлса? Ўқиган, эшитган бўлса, нега бу ҳақда хонларни оғоҳлантиришмади? Нега бу юртдан оёқларини тортишмади? Агарда бу ҳақда хонларга етказилган бўлса-ю, улар “отамерос” машаққати ва бир-бирини ғажишдан бўшамаган бўлса... кимни айб-лашимиз керак? Гумроҳлик бундан ортиқ бўладими!..

Истиқлол замонасига келиб, табиий бойликларга эга, серҳосил ерларида барча турдаги озиқ-овқат ва енгил саноат учун зарур техник экинларни жаҳоний андозаларда етиштираётган тадбиркорларимиз дунёнинг барча давлатлари билан тенг ҳуқуқли савдо-сотикни йўлга қўйишгани, бунга давлатимиз олиб бораётган глобал сийсат мустаҳкам пойдевор яратгани қадим “Бор товоғим – кел товоғим” маталига иккинчи умр бағишлаганини алоҳида қайд қилиш керак.

Рўзимбой ҲАСАН

ОЛАМ ОЛИМИ

КЕНГЛИК КАШШОФЛАРИ



ЭЪТИРОФ

Замонавий кимё ва материалшунослик ривожига металл-органик каркаслар алоҳида ўрин тутди. Ноёб молекуляр тузилмалар газларни сақлаш, филтрлаш ва ажратиш каби муҳим вазифаларни бажара олади. Улар кимё соҳасида янги босқични бошлаб берди ва глобал экологик муаммоларни ҳал қилишда катта имкониятлар эшигини очди. Ушбу йўналишдаги илмий ишлари учун Ричард Робсон, Сусуму Китагава ва Омар Яги

2025 йилда кимё бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлди.

ТАДҚИКОТ

Ричард Робсон илмий фаолиятини 1980 йиллар охирида бошлаб, молекуляр архитектуранинг яратилиши устида иш олиб борди. У биринчи бўлиб тартибланган ва бошқариладиган говак тузилмаларни синтез қилиш госяини илгари сурди. Сусуму Китагава эса газларни сақлаш ва ажратиш имкониятига эга бўлган пороз материаллар хусусиятларини

қучур ўрганди. Омар Яги ушбу соҳани янги босқичга олиб чиқиб, металл-органик каркасларнинг кенг турларини яратиш ва уларни амалий қўллаш йўллари-ни ишлаб чиқди.

Олимларнинг ҳар бири мустақил равишда изланиш олиб борган бўлсаларда, уларнинг тадқиқотлари бир-бирини тўлдириб, бутун бир янги илмий йўналишни шакллантирди.

МОҲИЯТИ

Илмий иш ўта хос доирада бўлиб, фақат мутахассисларгина уни англаб ета олади. Ван тилида айтганда, металл-органик каркаслар – бу металл ионлари ва органик молекулалардан ташкил топган уч ўлчамли тузилмалар бўлиб, уларда жуда катта бўшлиқлар мавжуд. Бу бўшлиқлар турли газлар ва моддаларни ўзида сақлай олади.

Қизиқ жиҳати шундаки, жуда кичик ҳажмдаги материал жуда катта сирт майдонига эга бўлиши мумкин. Масалан, қанд бўлагига тенг материалнинг умумий юзаси футбол майдонига тенг келади.

Бу хусусият уларни қуйидаги соҳаларда ниҳоятда самарали қилади: карбонат ангидридни ушлаш, ҳаводан сув йиғиш, заҳарли газларни сақлаш, кимёвий моддаларни ажратиш.

Металл-органик каркаслар бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришига қарши кураш, заҳарли чиқиндиларни қайта ишлаш каби муаммоларни ҳал қилишда қўлланилмоқда. Айниқса, улар дорилар қолдиқларини парчалашда ҳам самарали ҳисобланиб, тиббиёт воситасида инсониятга катта наф келтиради.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ЭЙФЕЛЬ ЗИНАПОЯСИ СОТУВДА

Париж рамзи бўлган ва ҳар йили тахминан 7 миллион киши зиёрат қиладиган Эйфель минораси асл зинапоясининг бир қисми сотувга қўйилди. Зинапоя бўлаги 140 минг доллардан 175 минг долларгача нархда сотилиши кутилмоқда.



Деярли бир аср давомида ташриф буюрувчилар монумент чўққисига шу зинапоялар орқали кўтарилишган, бироқ 1983 йилдаги капитал таъмирдан сўнг зинапоянинг айрим қисмлари бузиб ташланиб, ўрнига лифтлар ўрнатилган.

МАКТАБДА ОТИШМА


Туркия жануби-шарқидagi Кахраманмараш шаҳридаги ўрта мактабда отишма юз берди, деб хабар қилмоқда CNN Turk.



NTV телеканали камида 4 киши ҳалок бўлгани ва 20 киши яралангани ҳақида хабар бермоқда. Кахраманмараш губернатори Мукаррем Унлюернинг маълум қилишича, ҳалок бўлганларнинг бири ўқувчи, уч нафари мактаб ўқувчиларидир. Хужум қилган шахс сақкизинчи синф ўқувчиси бўлган.

РОССИЯ ТОВОН ТўЛАЙДИ

Россия ва Озарбайжон Ташқи ишлар вазирликлари Ақтау яқинида содир бўлган AZAL самолёти ҳалокати туфайли вужудга келган низо ҳал этилганини маълум қилди.



Томонлар ҳалокат сабабчиси Россия деган тўхтама келиб, ҳаво ҳужумидан мудоффа тизимини айбдорлигини тан олган ҳолда, жабрланганлар ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига федерация то-вон пули тўлашига келишиб олди.

БЕДАРАК МУҲОЖИРЛАР



Бангладеш ҳудудидан сузиб чиққан кема Ан-даман денгизда чўкиб кетди. Воқеа оқибатида 250 дан ортиқ муҳожир бедарак йўқолган. Бу ҳақда БМТнинг қочқинлар ва миграция бўйича агентлиги хабар берди.

Қўтқарувчилар Бангладеш байроғи остидаги кема қолдиқлари ва бочкаларга ёпишиб жон сақлаган 9 нафар мигрантни қутқариб қолган.



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

УЧСИЗ КАЛАВА

Муҳаммадҷон Авазҷонов ўзбек текстиль саноатининг илк машинаворий урчуғини айланттирган мутахассислардан ҳисобланади. У 1905 йил 2 май куни Бухоро шаҳрида дунёга келган. Отаси ўз даврида Бухоро амрлигининг мартабали шахслардан бўлиб, 1912–1918 йиллари Чоржўй божхонасида масъул лавозимда ишлаган. Муҳаммадҷон Бухоро шаҳрида эски ва янги усул мактабларида ўқиди. Сўнг мадраса таълимни олиб, араб, форс тилларини ўзлаштирди. Болалигидан амакиваччалари Мусоҷон ва Мухтор Саидҷонов (БХСР ҳукуматида йирик мансабларда ишлаган)лар орқали жаҳид тараққийпарварлари ғоялари таъсирида улғайди. Ана шу қўллаб-қувватлов ва етовлар уни анъанавий таълим доирасидагина қилиб кетмасдан, рус тилини ўрганишга ва Европа маданият муҳити билан танишишга ундади.



1922 йилдан Муҳаммадҷон Авазҷонов ҳаётида бурилиш бошланди. “Қўмак” ташкилоти уни иқтисодий ёшлар сафида Германияга ўқишга юборди. Бу қарор ортида, табиийки, муайян сиёсий ва иқтисодий муддаолар ҳам бор эди: янги тузум саноатини кўтариш учун маҳаллий мутахассисларга эҳтиёж сезаётган, шунинг учун уларни Европа мактабларида тайёрлашга интиларди. Кёслинг шаҳридаги педагогика мактабиде таҳсил олган Муҳаммадҷон Авазҷонов Коттибус шаҳридаги “Олий текстиль мактаби”га кириб, текстильчи-муҳандис ихтисослиги бўйича ўқишни давом эттирди. Шу тариқа Европанинг илғор саноат мактабларида шаклланган мутахассис сифатида вояга етди.

1928 йил август ойида ватандошлари – текстиль соҳасида олий маълумот олган Исомиддин Аловуддинов ва қишлоқ ҳўжалиги йўналишида таҳсил олган Абдулла Пўлатов билан бирга СССРга қайтди. Сентябрь ойида Самарқандга етиб келган ёш мутахассисларни Ўзбекистон ҳукумати раҳбари Файзулла Хўжаев қабул қилди. Айни шу учрашувдан кейин қаҳрамонимиз ўзи учун меҳнат йўлини янада аниқ белгилаб олади. У Москва шаҳридаги “Освобожденный труд” фабрикасида амалиётчи сифатида иш бошлайди (1929). Бу ерда ишлаб чиқариш муҳити билан яқиндан танишар экан, назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштириш имконига эга бўлади. Сўнгра Москвадаги 1-давлат жун трести марказий лабораториясида лаборант бўлиб фаолият юритади (1929–1930). Аинан шу босқичда у текстиль технологияларининг илмий асосларини чуқур ўзлаштиради.

1930 йили “Қизил Шарқ” трестиде тўқимачилик бўйича муҳандис ёрдамчиси бўлиб фаолият юритади. Шу орқали у саноат тизимини яхлит тушунадиган мутахассис сифатида тажрибасини бойитди. Шундан кейин бевосита Ўзбекистондаги ишлаб чиқаришга жалб этилади. 1930–1931 йилларда Фарғонадаги текстиль фабрикасида тўқимачилик цехи мудири ўринбосари бўлиб ишлайди. Қисқа вақт ичида бу ерда ўзини намоян этиб, 1931 йилдаёқ фабрика мудири лавозимига кўтарилади. 1931–1934 йилларда фабриканинг техник қисмлари бўйича директор ўринбосари сифатида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, технологияларни жорий этиш ва кадрлар тайёрлаш ишларига раҳбарлик қилади. 1934 йилга келиб эса тўқимачилик ишлаб чиқариш бўлими мудири лавозимига тайинланади.

Бу изчил ўсишни унинг бевосита хорижда олган билим-қўнималари ва маҳаллий шароитни чуқур англаши билан боғлаш мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, Муҳаммадҷон Авазҷонов 30 ўшга етмасдан, мамлакат энгил саноатида етакчи мутахассислар қаторига кириб улгурган эди. У фаолияти равон давом этаётган, тажрибаси тобора мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда мамлакат миқёсида сиёсий вазият кескин ўзгара бошлайди. Оммавий ҳибслар авж олиб, кўп ўтмай бу манзара Авазҷонов тақдирини ҳам афсус билан қўриб қолди.

1937 йил 6 сентябрь куни Фарғона шаҳар НКВД бошқармаси ходимлари Муҳаммадҷон Авазҷоновни ҳибсга олди. Шу куннинг ўзида уйда тинтув ўтказиларкан, спорти, Гер-

маниядаги Олий Прусс текстиль индустрия институтини тамомлагани бўйича диплом ва гувоҳномалари, соҳага оид илмий китоблари, немис тилидаги адабиётлар, альбом ва суратлари мусодара қилинади. Тинтув эртаси куни ҳам давом этиб, бу сафар уйда қолган барча ашёлар (жомадон, камар, қаламдон, ручка, шахсий буюмлар ва 60 сўм пул) тўлиқ хатлаиб, битта қўймай олиб кетилади. Хонадон бир зумда шип-шийдан этилади. Муҳаммадҷон Авазҷоновнинг турмуш ўртоғи ҳамда фарзандлари – 1930 йили туғилган Иноят, 1933 йили туғилган Люба буткул молиявий таъминотсиз қолади.

Тергов материалларини таҳлил қилар эканми, айбловлар тизимидаги сохталик ва зиддиятларни яқол кузатамиз. Унинг Германияда ўқигани, хорижда бўлгани, бир неча тилни билгани ҳам айб сифатида талқин этилади. У “Озод Туркистон” акселиквилобий ташкилоти аъзоси, Германия разведкаси билан алоқада бўлган жосу деб кўрсатилади. Тергов ҳужжатларида бу ташкилотнинг раҳбарлари сифатида Олимжон Идрисий ва Аҳмад Наим каби шахслар тилга олинади. Шунингдек, Германия разведкасининг резиденти сифатида Бадри Сайфуллоҳов билан алоқада бўлгани ҳақида айбловлар илгари сурилади.

Муҳаммадҷон Авазҷонов адабиёт, санъат, фотографияга қизиққан. Бу кўнгил ишини унинг Германияда ўқиган кезлари фотоаппарат сотиб олгани, буш вақтларида табиат, тарихий бинолар, дўстлар давраси ва бошқа турли манзараларни тасвирга муҳраб қўй-

ганидан пайқаймиз. Афсуски, терговда айна шу суратлар шубҳа манбаига айланттирилади. 1937 йил 9 сентябрда ўтказилган илк сўроқда терговчи эътиборни ана шу фотосуратларга қаратиб, улар орқали турли гуноҳларни илгари суради. 30 сентябрь куни тасдиқланган қарорда Муҳаммадҷон Авазҷонов ҳеч қандай аниқ далиллар келтирилмаган ҳолда жосуликда айбланади. Унга Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 57-моддаси I қисми – ватанга хиёнат, ҳарбий ва давлат сирларини сотиш каби оғир айблар қўйилади.

...1938 йил кузида иш судга оширилади. 1937 йил сентябрдан 1938 йил октябргача бўлган бир йиллик вақт Муҳаммадҷон Авазҷонов учун узлуксиз сўроқ, қийноқлар, босим остида кечади. 9 октябрь куни Тошкент шаҳрида СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси бўлиб ўтади. Суд ёпиқ ҳолда ўтказилади ва бир неча дақиқа давом этади. Бир инсон тақдирини олдиндан белгиланган ҳолда, саноқли дақиқалик судда ҳал қилинади-қўяди. Муҳаммадҷон Авазҷонов бир неча моддалар бўйича айбдор деб топилиб, олий жазо – отувга ҳукм қилинади. Ҳукм ошиғич амалга оширилади.

Сталин даври қатағонлари қайта кўриб чиқила бошланган йилларда Муҳаммадҷон Авазҷонов иши ҳам яна бир бор кўтарилади. Жараёнда уни яқиндан таниган-билган шахслар гувоҳликка чақирилади. Жумладан, 1956 йил 9 ноябрь куни Тошкент текстиль комбинати тизимида ишлаган мутахассис, ўша вақтда мактаб директори бўлган Леонид Розенцвитнинг кўрсатмаси эътиборга молик. У 1934 йилда Иваново текстиль техникумини тамомлаб, иш фаолиятини Тошкентда бошлагани, шу орқали Фарғона текстиль комбинати ва унинг қошидаги техникум билан ҳамкорлик қилганини таъкидлайди. Шу фаолияти давомида у Муҳаммадҷон Авазҷонов билан яқиндан танишган. Розенцвит кўрсатмасида: “Менда у текстиль соҳасида мавжуд барча технологияларни мукаммал билувчи ва ҳар томонлама етуқ мутахассис сифатида яхши таассурот қолдиран. Шу вақт давомида бирор марта унинг акслюдоват фаолиятини сезмаганман ёки бирор одамдан шунга ўхшаш фикрларни ҳам эшитмаганман”, дейди.

Бундай кўрсатмалар Муҳаммадҷон Авазҷонов каби ўз соҳасининг етуқлари тизим учун хавф сифатида қабул қилинганми, уларга нисбатан сунъий айбловлар тўқиб-бичилганидан далолат беради. Бу ёғи ўзингизга маълум...

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АЗИЗ ХОТИРА



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Мирза Абдулла Солиев – 1889 йили Қўқон шаҳрида туғилган. 1925 йилдан Ўзбекистон компартияси аъзоси бўлган. “Янги Фарғона” газетаси таҳририяти идорасида мудир бўлиб ишлаган. 1930 йил 31 январда қамоққа олинган. Ашурали Зоҳирий билан аввалдан алоқада бўлган ва унинг тақлифи билан “Ботир гапчилар” ташкилотига аъзо бўлганликда айбланган. РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 4-банди ва 11-моддаси билан айбланиб, ОГПУ коллегиясининг 1931 йил 25 апрелдаги қарори билан мамлакатда яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Уч йил муддатда Чита шаҳрига сургун қилинган.

Саъдуллақори Шомуҳмедов – 1892 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Чакана савдо билан шуғулланган. 1929 йил 12 ноябрда ҳибсга олинган. “Миллий истиқлол”нинг тарғибот гуруҳида фаол иштирок этганликда айбланган. 1931 йил 25 апрелда РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 10-банди билан ОГПУ коллегияси уни 3 йил муддатга концлагерга юборган. 1989 йил 29 мартда реабилитация қилинган.

Қаюм Рамазонов – 1900 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Онаси ёрдамида савод чиқарган. 1909–1915 йилларда Эшонхўжа Хоний ва Мунаввар қори Абдурашидхоннинг янги усул мактабиде ҳамда мадрасада таълим-тарбия олган. 1916–1917 йилларда Боқу шаҳридаги педагогика институтиде ўқиган. 1918–1921 йилларда ўқитувчилар тайёрлаш курси ва бошланғич мактабларда ўқитувчилик қилган. Абдурауф Фитрат билан бирга “Чигатой гурунги”ни ташкил қилган ва унда котиб бўлиб ишлаган. Туркистондаги “Қизил байроқ”, “Туркистон” газеталарида адабий ходим, 1929–1930 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий ижроия комитети хузуридаги Янги ўзбек алифбоси Марказий Қўмитаси аъзоси бўлган. 1934–1937 йилларда фан комитети хузуридаги тил ва адабиёт институтиде доцент вазифасида ишлаган. Театр таъкидчиси сифатида “Абу Муслим”, “Уйғониш”, “Яланғоч Эшон”, “Шайх Санъон”, “Фарҳод ва Ширин”, “Маликаи Турондо”, “Хужум”, “Халима” спектакллариға тақриз ёзган. Ўз даврида ўзбек мактаблари учун асосий дарсликларни яратган. СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Қаюм Рамазонов отувга ҳукм қилинган. Ҳукм ўша куни ижро этилган.

Оқилхон Дадахўжаев – 1896 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1905–1909 йиллари эски мактабда, 1909–1911 йиллари рус-тузем мактабиде ўқиган. 1918 йили Тошкентда очилган 8 ойлик педагогика курсига ўқишга кирган. Ўзбек маориф институтиде таҳсил олган. Институтни тамомлагандан сўнг Тошкентдаги 8-сонли интернатдан, 15-сонли мактабда ҳамда 2-сонли интернатда ишлаган. Ҳибсга олинганга қадар Тошкент тиббиёт институтиде ўзбек тилидан дарс берган. 1942 йили Ички ишлар халқ комиссарлиги “Миллий истиқлол” ташкилоти аъзоларига нисбатан қайта иш очилганда қаҳрамонимизга ҳам акселиквилобий тарғибот олим билан бирга айби қўйилиб, “Ватан хоини” деб эълон қилинган. Советларға қарши миллатчилик ташкилотиде қатнашганлиги учун 8 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Унинг кейинги тақдирини аниқ эмас. Лекин Оқилхон Дадахўжаев 1957 йили 15 апрелда тўлиқ реабилитация қилинган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА,

тадқиқотчи

(Давоми келгуси сонда).

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

НОДИР ҚҮЛЁЗМА

Бошланиши 1-саҳифада.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд ёшлик йилларини Қирмонда ўтказган. Кейинчалик Ҳиротда таҳсил олган ва умрининг охиригача Бухорода илмий фаолият билан шуғулланган. Аллома 1346 йилда шу ерда вафот этган.


Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг мазкур рисоласи қўлёзмаларда турли номлар билан қайд этилган: “Рисолату фил-аруз”, “Рисолату фи усули бухур ас-ситта ашара”, “Бухур ал-усул” ва бошқалар. Рисолада аруз илмига оид 16 баҳр қоидалари ихчам ва рамзий шаклда баён этилган. Айрим нусхаларда байтларга номаълум муаллиф томонидан қисқача шарҳлар ҳам илова қилинган. Асарда вазнлар, уларнинг тарихи ва қўлланиш хусусиятлари тушунтирилади.

Қўлёзма нусхалари Туркиядаги Сулаймония кутубхонасининг турли тўпламларида (Пала Исмоил, Шаҳит Али Поша, Қилич Али Поша ва бошқалар) ҳамда Анқара Миллий кутубхонасида сақланмоқда. Уларда матн асосан қора сийҳда, муҳим жойлари эса қизилда ёзилган. Айрим нусхаларда ҳошия изоҳлари, қўшимча шарҳлар ва кейинги давр олимларининг мулоҳазалари ҳам учрайди. Хусусан, баъзи нусхаларда байтлардан кейин “Шарҳу абиат ал-хамса” сарлавҳаси остида қисқача шарҳлар келтирилган. Айрим қўлёзмаларда эса шеър вазнлари таҳлил қилинган.

Ушбу асар аруз илмининг назарий асосларини қисқа ва тизимли шаклда баён этган муҳим манбадир. Шунингдек, у аруз илмининг XIII–XIV асрлардаёқ шаклланишини кўрсатади.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорийнинг мазкур рисоласи аруз илмининг илк босқичларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни чуқур тадқиқ этиш ва илмий муомалага киритиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Абдувоҳид ҲУРОЗОВ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети таянч докторанти



Юртимизда миллий фотография ва кинематография санъати ривожига беқиёс ҳисса қўшган Худойберган Девонов жадид ҳаракатининг ҳам ҳақиқий намоянчаси бўлгани бугунги кунда ўз исботини топмоқда.

Худойберган Девонов 1879 йили Хивада зиёли оилада дунёга келади. Отаси Нурмуҳаммад девон саройда хизмат қилгани туфайли ёш Худойберган ҳам сарой билан яқин муҳитда улғайди. У эҳқли, қизикувчан, тиришқоқ бола эди. Отаси уни соатсозга шогирдликка беради. Бу хунарни севиб ўрганаётган йигит бир муддат ўтиб, фото ва кино санъатига қизиқиб қолади.

Уша кезлари Хивадан унча узоқ бўлмаган Оқмасжид қишлоғида Россиядан сургун бўлган немис меннонитлари истиқомат қиларди. Уларда маҳаллий аҳолига ҳали нотаниш бўлган кўплай янги ихтиролар бор эди. Шулардан бири фотокамера бўлиб, Вильгельм Пеннер Девоновни ўзига шогирд қилиб олади ва унга фотография санъатини ўргата бошлайди. Хивалик ёш йигитнинг фотография билан шуғулланаётгани ҳақида хабар тезликда ён-атрофга тарқалиб, бу янгилик энг кўп улаомларни ташвишлантиради. Мутаассиб кишилар шариат қонун-қоидаларини рўқач қилиб, Девоновга таъна тошлари ота бошлайди. Фотография ва кино чет элда, айниқса,

ТАСМАГА ТУШМАГАН УМР

Европада тез ривожланиб бораётган бўлса-да, Туркистон учун бу ҳали ёт тушунча эди.

Таниқли санъатшунос Ҳамидулла Акбаров тадқиқотида ёзишича: “Худойберган Девоновнинг фаолияти биринчи рус кино санъаткорлари ижоди билан деярли бир вақтда бошланди. Девонов Хоразм воҳасига келган кинематографчи гастролёрлардан кино аппарати билан “муомала” қилишни ўрганиб, ўзининг демократик ва маърифатпарварлик ўйларини юзага чиқаришда ундан восита сифатида фойдаланди. У вақтда декорациялар, павильонлар, сунъий нур манбалари... йўқ эди. Девонов декорациялар ўрнида миноралар, кўрғонлар, саройларнинг гулдор эшикларидан... мактаб ва интернатлар, колхоз гулзорлари ва қурилишлардан фойдаланди. Жанубнинг жазираме офтоби – нур манбаи, халқ – филм қаҳрамони бўлди. Девоновга қадар баъзи рус ва чет эл кинофирмалари ҳам Хоразмнинг ҳашаматли биноларини суратла олишга қизиққанлар. Лекин уларни халқ ҳаёти ва турмуши эмас, фақат хон саройлари, ҳарбий мажлислар қизиқтирган, холос. Худойберганнинг худди шу даврда яратган фильмлари мавзуси ўзгача бўлди. Неча юз метр кинолента, миндан ортиқ фотосуратда Девонов Хоразм халқининг меҳнатини, урф-одатларини, Хиванинг қадимги ёдгорликларини акс эттирди”.

Худойберган Девонов Хоразм хони Муҳаммад Раҳимхон II нинг ўша йиллардаги бош вазири Исломуҳжанин кўмаги билан 1907–1908 йилларда Москва ва Санкт-Петербургда телескоп, граммофон, фото ва кино аппаратларини олиб келади. Айнан шундан кейин унинг чинакамига фотографиялик ва операторлик фаолияти бошланади. Унинг ажралиб турувчи жиҳати шунда эдики, Девонов халқ учун хизмат қиларди. У олган суратлар ва қисқа лавҳаларда Хоразм халқининг ҳақиқий ҳаёти содда акс эттирилари. Турли касб эгалари, Хоразм манзаралари, бозорлар, тарихий обидалар ва оддий халқ унинг фото ва лавҳалари қаҳрамонлари эди. Худойберган Девонов бошқалардан мана шундай халқпарварлиги билан ажралиб турарди.

Демак, Худойберган Девонов ўз кинолавлари ва фотосуратларида маърифатпарварлик намоянчаси бўлганини исботлади. Хивада

фотография ва киноленталар билан ишлашни ўргатувчи ўзининг лабораторияси ва мактабини ташкил қилди. Хусусан, ўтган асрнинг 20-йиллари бошида ҳукумат ёрдамида мактаблар, интернатлар, тўрақлар очиб, уларда кино-фото ишларига раҳбарлик қилди, шу тарзда таълим-тарбия ишлари билан ҳам шуғулланди.

Худойберган Девонов жадид ҳаракати намояндалари ташкил қилган “Ёш хиваликлар” гуруҳида ҳам иштирок этиб, маърифат тарқатишни истовчи бу ҳаракатнинг мақсадлари амалга ошиши йўлида ўз хиссасини қўшди, улар билан бир сафда фаолият юритди. Афсуски, бу янгиликлар – халқнинг илм-маърифатли бўлиши советларға ёқмас эди. Шу боис, жадид ҳаракати вакиллари тобора сиқув остига олина бошлади ва охири-оқибат Сталин қатағонлари авж олган йилларда уларнинг катта қисми шафқатсизларча отиб ташланди. Худойберган Девонов ҳам қатағон қурбони бўлган мана шу миллат ойдинлари орасида эди.

Ўзбек киносининг туғилиши расман 1925 йилда “Шарқ юлдузи” киностудияси ташкил этилиши билан белгиланса-да, Худойберган Девоновнинг унча бўлган даврдаги саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этиш лозим. Биринчи бор фото ва кино аппаратларини олиб келиб, янги санъат турини тарғиб қилиши, мактаб очиб янги касбни ўргатиши, шу билан бирга, бошқа жадидлар сингари қатағон қурбони бўлганини инобатга олган ҳолда, Худойберган Девоновни чин маънода миллат фидойиси дея аташ мумкин.

XX асрда Туркистон заминиде яшаб ўтган маърифатпарвар аждоимиз Худойберган Девоновнинг хотираси авлодлар қалбиде мангу яшайди. У суратта олган кинолавлар ва фотосуратлар Ўзбекистон миллий маданият меросига кирувчи беқиёс материаллар ҳисобланади. Айни пайтда, “Туркистон альбоми ва “Худойберган Девоновнинг Хоразм воҳаси фотосуратлари” тўплами ЮНЕСКО ташкилотининг “Жаҳон хотираси” рўйхатига киритилгани бу бебаҳо мерос нафақат ўзбек халқи, балки бутун дунё маданият тарихида алоҳида ўрин тутушидан далолат беради.

Зебинисо РАҲМАТОВА,

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини магистранти



ЯНГИ КИТОБЛАР


МУНОСИБ ТУҲФА

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 85 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда. Айни сана муносабати билан атоқли шоирнинг янги тўплами қозоқ тилида нашрдан чиқди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида чоп этилган ушбу китобдаги шеърлар таржимон ва шоир Сапарбек Иманбеков томонидан қозоқ тилига ўғрилган.

"Мен нечун севаман Ўзбекистонни", "Ўзбекистон", "Сен баҳорни соғинмадингми?", "Биринчи муҳаббатим", "Мажнунтон", "Тўлин ой", "Созим"... Бу машҳур шеърларни билмаган, улардан ҳеч қурса икки мисра ёд ўқимаган китобхон юртимизда топилмаса керак. Қозоқ миллиятига мансуб юртдошларимиз ва қардошларимиз энди бу бетакрор асарлардан ўз тилида баҳра олиш имконига эга бўлгани қувонарлидир.



ЯНГИ САЙЛАНМА



Замонавий ўзбек адабиётида истеъдодли шоир ва таржимон Усмон Қўчқорнинг ўз ўрни ва овози бор. Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида нашр этилган янги "Сайланма" Усмон Қўчқор қаламига мансуб. Китоб шоирнинг ўзи тартиб берган асарлари асосида тайёрланган, жумладан, турли йилларда ёзган сара шеърлари, "Қувғун" достони ва "Имом Бухорий" драмалари ушбу салмоқли тўпламдан ўрин олган.

Китобга ёзилган сўзбошида шоир шеърларининг моҳияти билан бир қаторда, унинг таржимонлик маҳорати, хусусан, озарбайжон адабиётдан таржималари ҳақида ҳам фикр юритилади.

Чиройли дизайнда тақдим этилган мағзи тўқ асарлар ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди, деб уйлаймиз.

Нигина ИСКАНДАРОВА

ТЎРТАРМОҚДА НИМА ГАП?

“Ватан ташлаб кетмас ҳеч қачон”

1990 йилда Ироқ ва Кувейт ўртасидаги уруш пайтида 170 000 дан ортиқ ҳиндистонликлар бегона юрда қолиб кетади. Пулсиз, алоқасиз ва эртанги кунга умидсиз. Ўша уруш сабабли Ҳиндистон дунё тарихидаги энг катта эвакуациялардан бирини амалга оширади – ўз фуқароларини уруш ичидан олиб чиқади. AIR India компанияси Гиннес рекордлар китобига кирган 488 та парвозни амалга оширади.

Бу воқеани мен дам олиш кунлари томоша қилган "Қўтқарув парвози" ("AirLift") ҳинд киноси орқали кўрдим. Бу мен учун шунчаки кино эмаслигини ҳис қилдим. Энг аввало, юртимдаги тинчлик учун Аллоҳга чексиз ҳамдлар айтган бўлсам, яна менга таъсир қилган бошқа ҳолатлар ҳам кўп бўлди. Бу ҳақда нима учун ёзаётганимни сўзим охирида хулоса қиламан.

Фильмдан кичик воқеа: ўзларини деярли қувайтлик деб ҳисоблаган ҳиндлар ўша қийин онларда ўз давлатидан паноҳ кута бошлашади. Ўшанда бир ҳинд бошқасига: "Нимага бизга давлат ёрдам бермаяпти? Нима қилиб берди бизга давлат?" деган саволларни қўяди. Шунда бошқаси: "Аслида, биз ўзимизни қувайтлик деб ҳисоблар эдик, шу ерда яшаймиз, энди бошга иш тушганда, бирор жойи оғриганда онасини эслаган боладай, давлатимизни эслаб қолдик. Биз ўзимиз давлатга нима қилдик?"



деган жавобни беради. Кўпгина ҳаракатлар натижасида улар давлатдан ёрдам олишга эришади. Ҳиндистон ҳукумати ўз фуқароларини эвакуация қилиш ечимини топади ва бунинг учун бор имкониятини сафарбар қилади.

Шу ерда бир нарсани ўйлаб қолдим. Қаранг, аслида, кино санъати – бу, шунчаки ҳикоялар жамланмаси эмас. Бу – давлат образини яратадиган куч. Бу – тарихни, қадриятларни кўрсатадиган ва ишончли шаклантирадиган кучли восита.

Бизнинг давлатимиз ҳам турли қийин инқирозли

вазиятларда, масалан, пандемия пайтида, Яқин Шарқ ва Афғонистондаги вазиятларда ўз фуқароларини ҳимоя қилган ва қилиб келмоқда. Бизда ҳам кўрсатса бўладиган шундай ҳикоялар бор. Лекин улар ҳали ҳам бундай кучли ҳикояларга ва ҳис-туйғуларга айланмаган.

Фильм якунида аэропортда ҳиндларнинг эвакуацияси учун кўтарилган байроқдан худди ўзим кўтқарилаётгандек суюндим, тасаввур қилинг, ўз байроғингни кўрганда қандай таъсир қилиши мумкин!

Бизда ҳам шундай ҳақиқий, кучли ва табиий равишда инсоннинг ўз давлатига меҳрини оширадиган воқеалар кўп ва уларни кўтариш керак. Эҳтимол, шунда ёшларда ҳам гуруҳ туйғуси уйғониб, ўзларига "Бизнинг масъулиятимиз нимадан иборат деган?" саволни бера бошлашади. Сабаби, кино – бу, шунчаки кўнгилочар нарса эмас, у одамнинг фикрлаш тарзига, ҳиссиётига ва ҳатто қарорларига ҳам таъсир қила олади. Шундай фильмлар орқали давлат имижини нафақат халқимиз орасида, балки халқаро даражада оширса бўлади, лекин бундай фильмлар жуда кам суратга олинади.

Фильмни, албатта, қиришни тавсия қиламан. Ўйлаб кўриш ва хулоса қилиш эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Лайло РУСТАМОВА
Фейсбук

ТИЛБИЛИМ

СОВИШ ВА СЎНИШ

Олов совигандан сўнг сўнади. Тан-дир совиб қолибди, ўчоқнинг чўғи совиган деган гаплар ўтнинг сўнишини ҳам аналтади. Хўш унда совиш билан сўниш сўзлари илдизиди яқинлик борми?

Мен буни "Ат-туҳфа" луғатида бир сўз билан танишганимда сезиб қолдим. Унда нисбатан совутдирди сўзига яқин сөвўндўрди деган сўз "сўндирди" маъно-

сида шарҳланган. Бу сўзлар шаклан жуда яқин. Тил ўзгаришлари натижасида агар орадаги в товуши тушиб қолса, сўвўндўрди қолади ва кейинги ў олдидаги 6 билан бир-лашади. Қарабсанитки, ўз-ўзидан сўндирди сўзи пайдо бўлади.

Лекин "Ўзбек тилининг этимологик луғати"га кўра сўнди сўзининг илдизиди "пасай", "сусай", маъноларидаги сөн сўзи ётади дейилган.

Эшқобил ШУКУР




МУТОЛАА

"Шарқ юлдузи" журнали чоп этила бошлаганига жорий йил 95 сана тўлди. Асрий йўлни босиб ўтаётган нашр жамоаси янгиланиш ғайрат-шижоати билан фаолиятини давом эттирмоқда. Куни кеча журналнинг 2026 йил ҳисобидан 3-сон чоп этилиб, муштарийлар кўлига етиб борди.

Миллий адабиётимизнинг тиниқ кўзгуларидан бири бўлган ойнома саҳифаларида қутлуғ ёшларини нишонлаётган адибларнинг янги ижод маҳсули ва улар ҳақидаги фикрлар, тарихий мавзудаги асарлар ҳамда ёшлар қаламига мансуб шеърларни ўқиш мумкин. Журнал муқоваси расмон Илҳом Осмоннинг "Баҳор нафаси" асари билан зийнатланган, ички муқовада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдусайд Кўчимов ҳаётига оид фотолар ҳам жой олган.

"Назм" рўқнида тақдим этилган шеърлар орасида Абдусайд Кўчимовнинг "Мангудир фалакка туташ қоялар" ҳамда Абдурусул Жумақулнинг "Сени кўргим келди жузаям" туркуми алоҳида ажралиб туради. Ушбу рўқ мазмун-



“Хайт ранг-баранг ҳолатларнинг ал-машинувидир. Истаган жойда қулай аҳволда қолиш учун уларни ўрганиш, қузатиш керак.”

ЖУРНАЛНИ ВАРАҚЛАГАНДА...

моҳиятини тўлдиришда Муҳаммад Исмоилнинг "Шляпа кийинг, устоз" бадиҳаси ҳамда Салим Ашурнинг "Сомон йўлига туташган йўл" очерки ёрдамга келади. Шунингдек, Ойгул Суяндиқованинг шеърый сатрлари шабнамдай тиниқ ва беғуборлиги билан ўқувчига баҳорий кайфият бағишлайди.

Маълумки, адабий журналнинг асосий тоши насрий асарларда бўлади. Тахририят ўқувчи олдидаги масъулиятни унутмаган ҳолда, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Бибиҳоним" драмаси ҳамда ёзувчи Тўлқин Ҳайитнинг "Отилла" романини тақдим этади.

Олий мактабда сабоқ олмаган ҳолда, алоҳида тайёргарликни талаб қилувчи бир қанча замонавий касбларни эгаллаш учун инсон қанчалар истеъдодли ва меҳнатқаш бўлмоғи керак? Қозоқбой Йўлдошевнинг "Жаҳидлар" рўқнидаги ака-ука Ҳасанхон ва Ҳусайнхон Ниёзийлар ҳақида "Истеъдодли эгизаклар ва истеъдод эгизаклари"

мақоласи билан танишар экансиз, бу саволга жавоб топасиз.

Баҳор ёшлик ва муҳаббат фасли, бу даврда қаламқашлар юрагидан энг тоза туйғулар қозога тўкилади. "Ёшлар ижоди" рўқнида Исмо Алнинг "Шоирлар кўнгилга айланар кузда", Гузалхон Охунованинг "Гулнинг япроғига тошни сепганлар" шеърый жамланмаларини ўқийсиз.

Гофур Ҳамронинг "Ҳаққоний ва халқона" мақоласида 2025 йилда чоп этилган қиссалар бадиий таҳлил қилинган. Муҳаммад Маматвалиевнинг "Мақтубларда бордек ҳақиқат" рўқнида чоп этилган "Шайхзодашунослиқдаги баъзи муаммолар" мақоласи ҳам сизни бефарқ қолдирмайди.

"Болалар дунёси" саҳифалари ҳар галгидан кўра ранг-баранглик касб этган. Кичик ёшли журналхонлар унда Муҳтарам Розикованинг "Ошқовоқми, бўшқовоқ?", Гофур Болқиевнинг "Оқ теракми, кўк терак", Эъзоза Алимова-нинг "Меҳр бермоққа шаймиз" сингари



серзавқ шеърый жамланмаларидан баҳраманд бўлади.

Мутлоаа одамнинг дунёқарашини кенгайтиради, фалсафий мушоҳадага чорлайди ҳамда бадиий диди юксалишига сабаб бўлади. "Шарқ юлдузи" тахририяти ана шу йўлда янги ва яхши асарларни эълон қилишда, хусусан, ёшларга минбар беришда собитқадамдир.

Ўқтам ҲАМРАЛИЕВ

МАНТИҚ

“ЎЛДИРСАЯМ, МОШ ЎЛДИРСИН”

– Дўстларим, мош овқатимиз пишди! – деди Жамшид.

Талабалар турар жойида янграган бу овоз одатдагидек барчанинг диққатини тортди. Бу гап ортида талабаларнинг ширин ҳаёти яширин эди.

– Мош овқат эмас, ош овқат дегин, – деди қўшни хонадаги Ҳайдарали.

– Йўқ, айнан мош овқат, – дея тақрорлади Жамшид. – Биласанми, бозор-ўчар қилишга чўнтагимизда ҳемири йўқ. Шу сабабдан, биситимизда қолган-қутган мошни қайнатиб еялмиз.

– Бизни ҳам шерик қилингллар, бизда қайнатиб ейишга мош тугул, тош ҳам йўқ. – Ўзи озгина эди, қолаверса, яхши пишабди ҳам. Буни еб қориларинг оғиб қолмасин, – таъкидлади Жамшид.

– Майли, ўлдирсаям, мош ўлдирсин, – деди Ҳайдарали.

Бундай ҳолат авваллари олий ўқув юртида таҳсил олган барча собиқ битирувчиларнинг ҳаётида бўлган, десам, хато эмас. Ҳозирги талабалар учун бу гап шунчаки ҳазилга ўхшаб туюлиши мумкин. Лекин у – ёшлиқнинг самимияти, дўстликнинг илк пойдевори ва ҳаёт мактабининг аччиқ, бироқ ёқимли сабоқларидан бири эди.

Жамшид ва унинг хонадошлари каби минглаб талабалар бир пайтлар чўнтакда бир қақа бўлмаган кунларни бошдан кечиришган. Бозор қилишга имконият бўлмаганида, қолган-қутган мошни қайнатиб, "антика таом", "мош эмас, ош", деб ҳазиллашиб ейишган. Ўша мош овқат ҳам баъзан яхши пишмас, таъми ҳам кўнгилдагидек чиқмасди. Лекин унинг бир лўқмасига қоришган биродарлик – энг лаззатли таомлардан устун эди. Шу сабабли, талабалар орасида "ўлдирса ҳам, мош ўлдирсин" каби ҳазилнамо мақоллар шаклланган. Бундай сўхбатларнинг қадрини вақт ўтиб англайди инсон.

Қўшни хонадаги Ҳайдаралининг "Бизни ҳам шерик қиласизларми?" деган гапи эса талабаларнинг – бўлиши, ўзига яқин олиш, камни ҳам кўп ўрнида кўриш, борини баҳам кўриш каби гўзал фазилатларини очиб беради. Албатта, "ўзи озгина эди", "яхши пишмаган", "бу овқатдан оғзинг яйрамайди", деб таомни қизганган пайтлар ҳам бўлган. Аммо бу ҳолатлар



ҳам дўстликка путур етказмаган, аксинча, янада яқинлик уйғонишига сабаб бўлган.

Орадан йиллар ўтди. Ўша кунлар орқада қолган бўлса-да, хотираларда ҳали ҳам яшаб келади. Бир-биридан мош овқатни қизганган йигитлар бугун турли соҳаларда меҳнат қилмоқда. Кимдир муҳандис, кимдир тадбиркор, яна кимдир устоз. Ҳаёт уларни турли йўлларга бошлаган бўлса-да, лекин бир нарса ўзгармади – дўстлик ришталари. Энди улар учрашган вақтда бир пайтлар бир юса мошни бўлишолмаган йигитлар чойхонада "мен тўлайман", "йўқ, бу сафар мен" деб тортишади. Бу жараёнда гуруҳ ҳам, меҳр ҳам, ўтмишга бўлган эҳтиром ҳам мужжасам. Чунки улар талабаларда қийинчиликлар бўлмаганида, бугунги қадр-қимматни ҳам ҳис этмас эдилар. Мошнинг таъми унутилар, лекин йўқчиликда топилган дўстлик – энг катта хазинадир.

Талабалар – фақат диплом олиш маърафони, дегани эмас. Бу – инсон бўлишини ўрганиш, биродар топиш, ҳаётнинг ҳақиқий қадрини англаш давридир. Шунинг учун ҳам ўша оддий "мош овқат" ҳақидаги хотиралар инсон қалбиди энг тотли ҳислардек сақланиб қолади. Йиллар давомида шаклланган ва ҳазил ила "мош ўлдирсин"га айланган мақолнинг яна ўз асли – "ўлдирсаям, ош ўлдирсин" шаклига қайтгани – замона зайли.

Бугунги фаровон ҳаётимизда ўша танқис кунларга қайтишни истамаймиз. Лекин ўша кунларни эслашдан, соғинишдан ҳеч қачон чарчамаймиз. Чунки ўша олис талабаларда бизнинг бош мақсадимиз ўқиш, илм олиш, китобхўрлик эди. Бошқа масалалар шунчаки илова эди, холос.

Баҳром БОЙМУРОДОВ



Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Муҳайё Рустамова

Адади – 18 497
Шундан:
Кирилл ёзувида – 7024
Лотин ёзувида – 11 473
Медиа кузатувчилар – 82 115
Буюртма: Г – 439
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилмииз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 21:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"
ЖАМОАТ ФОНДИ